

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 3 (1224) • 2019-yil 18-yanvar, juma

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2017-2021 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСINI РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСINI “ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинган 2018 йилда мамлакатимизда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қабул қилинган 2018 йилги Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” ва “Yoshlar — kelajagimiz” дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди.

2-3-БЕТ



Халқ манфаатини рўёбга чиқариш — фаолиятимизнинг асосий мезони

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистонга келди

Аҳмадобод, 17 январь. ЎзА махсус мухбири Умар АСРОРОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан 17 январь кунни амалий ташриф билан Гужарат штати Аҳмадобод шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарини «Аҳмадобод» халқаро аэропортида Ҳиндистон Республикаси расмий доиралари вакиллари кутиб олди.

Президентимиз 18 январь кунни Гужарат штати маркази Гандинагар шаҳрида «Жўшқин Гужарат — 2019» IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этади.

Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз саммит ялиги сессиясида нутқ сўзлайди. Шунингдек, Бош вазири Нарендра Моди билан Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлиги, халқаро ва минтақавий сўбатга доир долзарб масалалар юзасидан музокаралар ўтказилади.

Бош вазири Нарендра Моди ташаббуси билан Гандинагар шаҳрида 2003 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Жўшқин Гужа-

рат» саммити минтақадаги энг йирик халқаро форум ҳисобланади. Унда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, халқаро ташкилот ва трансмиллий корпорациялар раҳбарлари, етакчи таҳлилчилар, экспертлар қатнашади.

Президент Шавкат Мирзиёев «Жўшқин Гужарат — 2019» халқаро инвестиция саммитида Марказий Осиё мамлакатларидан асосий меҳмон сифатида иштирок этади.

Анъанага кўра, глобал иқтисодиётни ривожлантириш, савдо соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, инвестициялар жалб қилиш, илғор технологиялар ва билимлар алмашишга доир долзарб масалалар форум иштирокчилари диққат марказида бўлади.

ЎзА



Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси шу кунларда давлат ва жамоат ташкилотларида, таълим муассасалари, маҳаллаларда чуқур ўрғанилиб, ундан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси партияимизнинг барча даражадаги ташкилотларида фаоллар ва электорат вакиллари иштирокида ўрғанилиб, белгиланган вазифалар юзасидан таклифлар билдирилди. Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси

ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги қўшма йиғилишида мазкур таклифлар асосида Мурожаатномада белгиланган устувор йўналишлар ижросини таъминлашда партия ҳамда фракция олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

— Мазкур Мурожаатнома мазмун-моҳиятига кўра, энг аввало, халқ манфаати йўлида хизмат қилиш, аҳоли билан мулоқотни давом эттириш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш, келажакка ишончлини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бу борада ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳамда тараққиётимизнинг янги босқичида олдимизда турган долзарб вазифаларни, аниқ йўлимизни белгилаб берган дастуриламалдир, — деди Ўзбекистон “Адо-

лат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Умаров. — Шу билан бирга, барча даражадаги раҳбарлар ва депутатлар ўз фаолиятини яна бир бор танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этиши зарурлиги таъкидланди. Бу эса барча-барчамиздан янги фикрлашни, машаққатли меҳнат ва тинимсиз ҳаракатни талаб этади.

3-БЕТ

МУНОСАБАТ

Юксак ҳуқуқий маданият —

демократик жамият пойдевори

Хўш, ҳуқуқий маданиятнинг ўзи нима? Унинг демократик жамиятдаги ўрни нечоғлик муҳим? Эндиликда мазкур соҳада бизни қандай ўзгаришлар кутаяпти? Белгиланаётган вазифалар нечоғлик ҳаётий аҳамиятга эга?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”-ги фармони мазмун-моҳиятига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда қонун устуворлиги таъминланишига, адолат қарор топишига, инсон манфаатлари улуғланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжатда “Юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати” деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллаб олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Шунга мувофиқ, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шаҳс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланганлиги бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини таъминлашга хизмат қилади.

5-БЕТ

ЖАРАЁН



Ўхшашлик ва умумийликдан дўстлик ва ҳамкорлик сари

Маълумки, ўзаро ҳамкорликка интилаётган мамлакатлар ўз муносабатларида умумий ва муштарак нуқталарга ургу қаратишга ҳаракат қиладилар. Бу табиий ҳол, албатта. Зеро, турли мамлакатлар халқлари ўртасидаги бир-бирини тушуниш, коммуникация ва ҳамкорлик, энг аввало, умумийлик асосида кечеди. Ҳамкорликка интилиш эса фақат сиёсатчиларнинг эмас, балки оддий инсонларнинг ҳам орзу-нияти ва мақсади ҳисобланади. Шу боис халқаро муносабатлар ва дипломатияда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида томонларни бирлаштирувчи омилларни излаб топишга бирламчи вазифа сифатида қаралади ва шунга мос равишда тегишли тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбеклар ва немислар... Бир қарашда бир-биридан қарийб 5 000 километр узокликда, турли қитъаларда яшайдиган, турли динларга эътиқод

қиладиган икки халқни таққослаш ўринсиздек туюлади. Ахир, турли тарихий босқич ва жараёнларни бошдан кечирган, турфа маданиятларга мансуб икки

халқни бир-бири билан қандай таққослаш мумкин? Боз устига Германиядек Европа интеграцияси томон шаҳдам одимлаётган, давлатчилик институтлари мустаҳкам қарор топган, тарихан машҳур, обрў-нуфузи жуда юқори бўлган мамлакатни яқиндагина ўз мустақиллигига эришиб, собитқадамлик билан уни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган, ҳали-ҳануз трансформацион жараёнларни бошидан кечираётган, халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини топишга интилаётган Ўзбекистон билан қандай умумийликлар бўлиши мумкин, деган саволлар пайдо бўлади.

4-БЕТ

ҚУТЛОВ



ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Камол Матқубовнинг матбуотда эълон қилинган ҳар бир мақоласини ижодкорлардан тортиб, турли касб эгалари қизиқиб ўқиганлигига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Балки бу ҳар бир танланган мавзу юзасидан чуқур билимдонлик, тарих — бутун — келажак билан боғлиқ равишда кенг фикрлаш, асосланган мулоҳазаларни қўғозга тушириш, ўқувчида фикр уйғотиш билан бирга билим бера олиш иқтидори мақолада яққол акс этганлиги тўғрисида.

«Эҳтиром» мукофотининг бу йилги совриндорлари қаторида ҳамкасбимиз ҳам “Маданият соҳасининг фаол оммавий ахборот ходими” номинациясига сазовор бўлди. Биз таниқли журналист, таржимон, таҳририятимизнинг фидойи ходими Камол Матқубовни ушбу мукофот билан қутлаб, устозга сиҳат-саломатлик, янада катта ижодий утуқлар тилаб қоламиз.

ТАҲРИРИЯТ

6

Лоқайдлик этагига яширинган жиноят

Қуруқ ваъда узган қувур тўрт йилдан сўнг уланди

7

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида**Давом.
Бошланғичи 1-бетда

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган ҳамда бу аҳолининг реал даромадларини 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошириш имконини берди.

Янги ўқув йўналишларини очиб ва қабул қилган оқимларни ошириш ҳисобига олий таълим олиш имкониятлари салмоқли даражада кенгайтирилди.

Солиқ маъмуриятчилигининг моҳиятан янги тартиби жорий этилгани сабабли солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми қисбидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилги кўрсаткичларга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан 32 баробар кўпдир.

Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорликни яхшилаш, аҳоли даромадларини ошириш ва бизнес учун солиқ юкни камайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.

Хусусан, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 12 фоизгача пасайтирилиши ҳамда юридик шахсларнинг айланмаси (тушуми) дан давлат мақсадли жамғармаларига ундирилган мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши корхоналар ихтиёрида қўшимча маблағлар қолиши учун шарт-шароит яратди.

2018 йилда 18 та давлатлараро ташрифлар амалга оширилди ва 50 миллиард АҚШ долларига тенг инвестициявий келишувларга эришилди. Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ доллари миқдоридидаги 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга оширишни назарда tutувчи ҳамда куйдагиларга қаратилган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури** (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин: **давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида** — парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш, давлат бошқарувида замонавий менежмент услубларини кенг қўллаш, давлат хизматларини ривожлантириш, давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини ошириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш соҳасида — суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигига эришиш, аҳоли тинчлиги, хавфсизлигини ва қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш;

иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида — макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, “хуфёна” иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улусини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш;

ижтимоий ривожланиш соҳасида — аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш,

одамларнинг даромадларини ошириш, фан ва улуқсиз таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва улар билан аҳолини қамраб олишни кенгайтириш, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, туризмни ривожлантириш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳасида — мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий мудофаа sanoati комплексини шакллантириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, очиклик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорлик таъминлашга асосланган ташқи сиёсий фаолият самарадорлигини янада ошириш.

2. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек, мамлакатимиз худудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш учун шахсан масъул ҳисобланган **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахслари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари** 2-иловага мувофиқ мамлакат **худудларига бириктирилсин.**

Белгилансин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан ҳар чоракда Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида ҳисоботлар эшитилди, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритилди. Давлат дастуридаги тадбирлар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилади.

3. Ҳар ойда **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда** инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг боришини муҳокама қилиш, инвесторлар фаолиятини тўқсинлик қилаётган муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этишни таъминлаш мақсадида **инвесторлар билан шахсан учрашувларни**, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш амалиёти жорий этилсин.

4. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни маслаҳат ва экспертлик жиҳатидан таъминлашни амалга ошириш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётини ислох қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг долзарб масалалари, жумладан, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши** ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги икки ой муддатда куйдагиларни тасдиқлашни назарда tutувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Эксперт кенгаши таркиби, бунда унинг таркибига муваффақиятга эришган тадбиркорлар, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, жумладан, хорижий давлатлар фуқаролари ва хориждаги ватандошларни киритиш назарда тутилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Эксперт кенгаши тўғрисидаги низоми.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биринчи нав-

батда, инвестиция жалб этиш учун устувор йўналишларни назарда tutувчи **Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли истиқболдаги инвестиция сиёсати стратегияси** (кейинги ўринларда — Стратегия) ишлаб чиқилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2019 йилда **Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар — устувор ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва сиёсий, шунингдек, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштириш ва ривожлантиришга** қаратилган аниқ тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар — устувор ҳамкорлар билан ҳамкорлигини янада фаоллаштириш бўйича таклиф этиладиган тадбирлар ва йўналишлар Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиши лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қуйдагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) эълон қилинган капиталга **1 миллиард АҚШ доллари** миқдорида бўлган **Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма). Куйдагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика иқтисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга, шунингдек, унинг рақобатбардошлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацион технологияларни жалб этиш;

хусусий маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини йўлга қўйиш орқали инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш;

инвестиция таклифларини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инвестиция муҳитини яхшилашга, шунингдек, республикамизнинг инвестиция салоҳияти ва имкониятларини хорижда кенг тарғиб қилишга қўмаклашиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан шакллантирилган **5 миллион АҚШ доллари** миқдоридидаги устав капиталига эга, акциядорлик жамияти шаклидаги, **давлат улushi 100 фоиз бўлган Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасининг бошқарув компанияси** (кейинги ўринларда — бошқарув компанияси).

8. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Жамғарманинг ягона таъсисчиси ҳисобланади ҳамда унинг капиталини **Жамғарма билан биргаликда лойиҳаларга инвестиция киритиш тўғрисида инвесторлар томонидан қарор қабул қилинишига қараб** шакллантирилади;

инвестиция лойиҳалари бошқарув компанияси томонидан инвестиция учун устувор соҳалар, иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва самарадорлик ҳисобга олинган ҳолда мустақил равишда танлаб олинади; бир лойиҳа бўйича Жамғарма инвестицияларининг энг кўп миқдори ушбу лойиҳага киритилиши режалаштирилаётган инвестициялар умумий ҳажмининг **30 фоизидан ошмаслиги лозим**, қолган қисми инвесторларнинг ўз маблағи ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Жамғарма ва бошқарув компанияси фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда куйдагиларни назарда tutувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси тўғрисидаги низоми тасдиқлаш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни биргаликда молиялаштириш тамойиллари асосида жалб қилиш бўйича самара-

ли ва шаффоф тижорат майдонини яратган ҳолда Жамғарма ва бошқарув компанияси ўртасида ҳамкорлик қилиш тартибини белгилаш;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, инвестиция сиёсатининг тамойиллари, шунингдек, уни амалга ошириш механизмларини белгилаган ҳолда Жамғарма ва бошқарув компанияси ўртасида инвестиция активларини ишончли бошқариш тўғрисида шартномалар тузиш тартиби.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси (З.Ш.Низомиддинов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2019 йил 1 мартга қадар** инвестиция лойиҳаларини, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг замонавий шакли ва услубларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришни** назарда tutувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 мартдан бошлаб: хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ва уларнинг оила аъзолари учун муддатини мамлакатдан чиқмасдан узайтириш имконияти бўлган, амал қилиш муддати уч йилни ташкил қиладиган **“инвестиция визаси”** жорий этилади;

Ўзбекистон Республикаси худудидан товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун 3 миллион АҚШ долларида ортқиқ миқдорда инвестиция киритган хорижий давлатлар фуқароларига, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари)га **Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси 10 йил муддатга соддалаштирилган тартибда берилди**;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки “инвестиция визаси”га эга хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

хорижий инвесторлар, улар томонидан хорижий давлатлар фуқаролари орасидан жалб этиладиган мутахассислар ва уларнинг оила аъзоларини вақтинча рўйхатга олиш инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилаётган худуддаги аҳоли яшаш пунктида, мамлакатнинг бошқа худудларида бўлганда қайта рўйхатдан ўтиш мажбуриятисиз, визанинг амал қилиш муддатига (виза мавжуд бўлмаганда эса 1 йил муддатга) амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) билан биргаликда **Ўзбекистон-Амириклар инвестиция компаниясини** (кейинги ўринларда — инвестиция компанияси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмуродов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Ш.А.Вафоева Ўзбекистон-Амириклар инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаш ваколати берилсин.

13. Белгилансинки, инвестиция компанияси:

Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) компаниясининг **75 фоиз миқдордаги** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг **25 фоиз миқдордаги** улшлари ҳисобига **5 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги устав фондига** ва **1 миллиард АҚШ доллари миқдоридидаги эълон қилинган капиталига** эга бўлиб, масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади, бунда қўшимча иштирокчиларни ўрнатилган тартибда жалб этиш мумкин бўлади; фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил қилинаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталларида улшлар сотиб олиш, қарзлар бериш, қимматли қоғозлар-

ни муомалага чиқариш, хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталдаги улшларини маҳаллий ва хорижий инвесторларга реализация қилиш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа шаклларда **инвестиция фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга**;

Бирлашган Араб Амирикларининг инвестициявий, молия институтлари ва компаниялари билан **инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш вазифаларини бажари**ди, улар билан инвестициявий муносабатларни мувофиқлаштириш, шунингдек, қўшма инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқаришга қўмаклашади.

14. Белгилаб қўйилсинки: инвестиция компанияси, шунингдек, унинг таъсисчилари олинган дивиденд ва фоизлар бўйича даромадлар билан бирга фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан, шунингдек, унинг мол-мулки ва активларини реализация қилишда қўшилган қиймат солиғидан 3 йил муддатга озод қилинади;

устав фонди (капитали)нинг камида 30 фоизи инвестиция компанияси маблағлари ҳисобидан шакллантирилган янги ташкил этилган корхоналарга хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёз ва преференциялар татбиқ этилади.

15. Куйдагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси бошқаруви ходимларининг вакант лавозимларини қисқартириш ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат **Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўбаси**;

вазирлик ва идораларда — белгиланган штатлар сонини доирасида **халқаро рейтинглар бўйича фаолиятни амалга ошириш** ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш учун масъул бўлган ихтисослашган таркибий бўлинмалар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига, энг аввало, хорижий ишбилармонлик доиралар, тадбиркорлар, салоҳиятли инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари ўртасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, Давлат дастурининг бориши, бизнес учун яратилган қулай шароитлар тўғрисида кенг маълумот бериш ва тарғиб қилишни ташкил этиш учун масъул бўлган **PR-марказ** функцияси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси (З.Ш.Низомиддинов) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги, жумладан, PR-марказ функциясини бажариш доирасида амалга оширилаётган тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини назарда tutувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳасини ишлаб чиқсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда етакчи халқаро молиявий ва консалтинг ташкилотларини жалб этган ҳолда **2019 йил 1 июлга қадар** устав капиталдаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг акциялар (улшлар) пакетларини сотиш назарда тутилаётган стратегик аҳамиятга эга бўлмаган хўжалик жамиятлари ягона рўйхати шакллантирилиши ва юритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда **2019 йил 10 июлга қадар** халқаро ишбилармонлик доираларида истиқболли инвестиция лойиҳалари, шу жумладан,

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

Давоми.
Бошланғич 1-2-бетларда

устав капиталидаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг акциялар (улушлар) пакетларини сотиш назарда тутилган ҳўжалик жамиятлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг тақдимотларини (“Road Show”) ўтказиш графигини тасдиқласин ва йил давомида амалга оширсин.

19. Белгилансинки, 2019 йил 1 мартдан бошлаб болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга, улар пенсия ёшига тўлгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу бандда белгиланган ижтимоий нафақа миқдорини ва уни тўлаш тартибини назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин.

20. Банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, касбий малакалар бериш ва тасдиқлашнинг умуммиллий тизимини жорий этиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йилдаги устувор вазифаси ҳисоблансин.**

Белгилансинки, фуқаролар, айниқса, ёшлар томонидан ўз малакасини ошириш учун таъсирчан рағбатлантирувчи омиллар яратиш, шу жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тузилмасига кирувчи касб-хунар коллежлари негизда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида банд бўлмаган аҳоли ва ишсиз фуқаролар учун ўқитиш марказларини ташкил этиш ҳисобига замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш технологияларига таянган касбга ўқитишни йўлга қўйиш ва касбий малакани баҳолашни назарда тутувчи касбий малакалар умуммиллий тизимини жорий этишга асосий эътибор қаратилиши лозим.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик

ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мамлакатда касбий таълим беришнинг замонавий тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида бир ой муддатда ишчи касблар нуфузини юксалтириш ва касбий таълимни ривожлантириш бўйича халқаро ҳаракатга қўшилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

22. Белгилансинки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

олий таълим муассасаларига ҳужжатларни давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш тартиби марказча-босқич жорий этилади;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг тавсияномасига эга шахслардан иборат абитуриентлар учун олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ушбу шахслар ўртасида ўтказиладиган танлов асосида алоҳида квоталар ажратиш тартиби киритилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси **2019 йил 1 мартга қадар:**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги билан биргаликда **олий таълим муассасалари томонидан талабаларни қабул қилиш квоталарини** иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг истиқболдаги эҳтиёжларини, шунингдек, муассасаларнинг кадрларни сифатли тайёрлашни ташкил этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланган тартибни тасдиқласин ва **ушбу тартиб 2019/2020 йилдан татбиқ этилишини** назарда тутсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда хорижий дипломларнинг эквивалентлигини тасдиқлашдаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш ва уларни тан олиш жараёнини оптимallasштириш бўйича таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош прокуратура, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда куйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин:

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни либерallasштириш;

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини дифференцияция қилиш, ушбу тоифадаги ишларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тезкор кўриб чиқилишини таъминлаш.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва кенг жамоатчиликнинг куйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) **“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати** — нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

б) режallasштирилган ислохотларни, шу жумладан, Давлат дастурида назарда тутилган ислохотларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида фуқаролар, хорижда яшаётган ватандошлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бирallasштириш; “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг **асосий вазифаси** этиб белгилансин, шу жумладан, куйидагилар орқали бирallasштириш: хорижий халқ ва бизнес ҳамжамияти билан очик мулоқотни йўлга қўйиш; жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институт-

лари, шунингдек, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг сай-ҳаракатлари ва кучларини сафарбар этиш;

режallasштирилган, шу жумладан, Давлат дастурида назарда тутилган ислохотларнинг амалга оширилиши жараёнини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тахлилий ахборот ва таклифларни мунтазам киритиш;

в) Умуммиллий ҳаракат раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари орасидан сайлаш, улар бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун кўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумallasштириш ҳамда яқунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзга-

ришларни акс эттирган ҳолда ўз веб-сайтларида жойallasштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш яқунларига бағишланган ахборот-тахлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

27. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Халқаро пресс-клуб, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан яқин ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини; Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

28. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

29. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Э.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2019 йил 17 январь

Халқ манфаатини рўёбга чиқариш — фаолиятимизнинг асосий мезони

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

Албатта, Мурожаатномада белгиланган берилган Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ижросини таъминлаш сиёсий партиялар ва уларнинг парламент куйи палатасидаги фракциялари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига ҳам бир қатор вазифаларни юклайди.

Жумладан, депутатлар халқ билан беvosита мулоқотни изчил давом эттириш, жойларда аниқланаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ижро ҳокимияти олдига масалани қатъий қўйиб, бу борада парламент ва жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириши олдимизда турган биринчи галдаги вазифа ҳисобланади.

2019 йилда парламент олдида яна бир муҳим масала: тўғридан-тўғри ишловчи қонунларни қабул қилиш масаласи турибдики, бу ҳам депутатлардан қонун ижодкорлиги жараёнида янгилаш ёндашуви, илгор хорижий тажрибани жорий этишни талаб этади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Сайловолди дастурида ҳам қонунларнинг тўғридан-тўғри ишланиши таъминлаш, ҳавола нормаларни ва идоравий норматив ҳужжатларни қис-



қартириш гоёси илгари сурилган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимизнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида ушбу масала доим диққат марказида бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг мазкур масалага яна бир бор алоҳида эътибор қаратгани бизни 2019 йилда қонунларни яна бир бор инвентаризациядан ўтказиш орқали кейинги 2 йил ичида қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини, ортиқча ҳаволаларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлашга ундайди.

Шунингдек, йиғилишда депутатлар ва фаоллар Мурожаатномада белгиланган устувор вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаларини қабул қилишнинг барча босқичларида фаол иштирок этиш, уларни жойларда кенг жа-

моатчилик муҳокамасидан ўтказиш ҳамда шу орқали партиянинг аниқ ва қатъий позициясини шакллантириши лозимлиги қайд этилди.

Хусусан, қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятни тубдан кучайтириш, ҳар бир қонуннинг асл муаллифи айнан халқнинг ўзи бўлишига эришиш, қонунларни ишлаб чиқишда **“Фракция – марказ – вилоят – туман”** тизими доирасида энг куйида, яъни оддий аҳолидан фикр, таклифлар олиш, бу борада замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларини ҳам ушбу жараёнга фаол жалб этиш ҳамда улар томонидан билдирилган таклифларни фракцияга етказиш ва шу орқали партияимизнинг аниқ қатъий позициясини шакллантириш амалий аҳамиятга эга саналади.

Йиғилишда дастурий мақсадлардан келиб чиқиб, партия лойиҳалари доирасида давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда таълим, илм-фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шухрат ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Сайловолди дастурида илгари сурилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, сайловчилар билан ўтказиладиган учрашувлар давомида аҳолини ўйлантираётган масалаларни атрафчилашга ўрганиш ва уларнинг ижроси бўйича ҳисоботлар тақдим этиб бериш орқали сайловчиларга берган ваъдаларимизни тўла қилиш адо этишга ва партияимизнинг халқ орасидаги нуфузини янада оширишга эришамиз.

Бу йўналишда тиббиёт соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида янги ташкил этилаётган хусусий клиникалар фаолиятини, болалар стоматология касалликларни профилактикаси ҳолатини, фармацевтика соҳасидаги ислохотлар самарасини

ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, ҳудудларнинг ривожланиши учун жалб этилаётган инвестициялар юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатиш, олий таълим муассасаларида тузилган Жамоатчилик кенгашлари фаолияти устидан тизимли мониторинг олиб бориш ва уларнинг фаолиятига кўмаклашиш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш режallasштирилган.

Ушбу ўрганишларда ва қонун лойиҳалари муҳокамасида жойлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан узвий боғланган ҳолда ташкил этиш талаб этилади. Бу жараёнда фракция аъзолари жойларда муаммоларга ечим топиш жараёни ёки мавжуд масалалардан келиб чиқиб, қонунчиликдаги бўлиқларни бартараф этишга эришиш, ҳудудларни ривожлантиришга оид “йўл харитаси” ва дастурлар ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ўзаро самарали ҳамкорликни тубдан кучайтириш лозим.

Шунингдек, тadbбирда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда партиянинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида уюшмаган ёшларни ижтимоий-маиший ҳаётда фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган

қатор долзарб вазифалар ҳам белгиланган.

Умид СУЛАЙМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси, “Ёш адолатчилар” қаноти кенгаши раиси:

— 2018 йилда Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида уюшмаган ёшлар ўртасида бир қатор тadbбирларни амалга ошириш ва муайян натижаларга эришдик. Мазкур жараёнда тўпланган тажрибалар асосида жорий йилда юртимиздаги партия фракцияси билан ҳамкорликдаги ишларимизни давом эттириш режallasштирилган.

Уюшмаган, тайинли машғулотга эга бўлмаган ёшлар

қўшимча билан фаолларни ва эксперт гуруҳлари томонидан янги Сайловолди дастури ва платформа лойиҳасини ишлаб чиқиш, аҳоли ҳамда партия тарафдорлари орасидан билимли, тажрибали, фидойи инсонларни саралаш ва депутатликка захирага олиш, депутатликка номзодлар учун сиёсий ўқувлар ташкил қилиш, оммавий ахборот воситалари орқали ташкил қилинадиган партияларо дебатларда иштирок этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тақомиллаштириш каби масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Депутатлар ва партия фаоллари юқоридаги масалалар юзасидан фақат қарор қабул қилиш эмас, балки унинг амалда ижроси таъминланшини қатъий назоратга олиш, бу жараёнда беvosита иштирок этишга келишиб олдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан партиянинг “йўл харитаси” ва тегишли қарор қабул қилинди.

Баҳром БУРҲОНИДДИНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Матбуот хизмати раҳбари

Ўзбекистон — Германия: Ёхшашлик ва умумийликдан дўстлик ва ҳамкорлик сари

Давоми.
Бошланғичи 1-бета

Бирок масалага синчковлик билан разми солиб, реал воқеликнинг бутунлай ақсини, яъни Ўзбекистон билан Германия ўртасида бир қатор жиддий ва ўрганишга лойиқ ўхшашлик ва умумийлик мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Таққослашда айнан ўхшашликларга уруғ беришнинг асосий сабаби шундаки, турли маданиятга мансуб халқлар ўртасидаги ўзаро фарқларнинг мавжудлиги ўз-ўзидан тушунарли, табиий ва ортқича далиллар талаб қилмайдиган ҳолат ҳисобланади. Ўхшашликларга келсак, ўзбеклар ва немислар ўртасида улар нималарда намоён бўлиши мумкин, бу ўхшашликларнинг сабаби наимада, улар қандайдир тасодифлар мажмуасими ёхуд муайян қонуниятларга асосланганими, деган мазмундаги саволлар юзасидан мулоҳаза юритамиз.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги умумийлик ва унинг сабабларини аниқлаш ҳар икки мамлакат манфаати учун фойдадан холи эмас. Бу, биринчи навбатда, халқаро илгор тажрибаларни ўзлаштиришни мақсад қилиб қўйган мустақил Ўзбекистон учун ўта муҳимдир. Германия эса айнан кўпчилик учун, айниқса, бундан атиги чорак аср муқаддас тоталитар тузумдан қутулиб, демократия ва бозор иқтисодиёти томон одимлаётган Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқдан кейинги ёш мустақил давлатлар, хусусан, Ўзбекистон учун намуна бўла оладиган давлат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, тарихий воқеаларга ва талотўпларга бой бўлган ўтган асрнинг ўзига Германия икки марта диктатурани бошдан кечирди ва ҳар икки ҳолатда ҳам бўҳрондан чиқиб кета олди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германиянинг ва 1990 йилда содир бўлган бирлашувдан кейинги Шарқий Германиянинг янги тарихи ушбу фикримизнинг яққол далилидир. Таъкидлаш лозимки, Шарқий Германия, худди Ўзбекистон сингари, трансформацион жараёнларни бошдан кечириб, бозор иқтисодиётига асосланган шаклдан ва мазмунан бутунлай янги тузум учун мустақам пойдевор яратдики, шунинг ўзибқ ҳар икки мамлакат ўртасидаги умумий нукталар мавжудлигидан дарак беради.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўхшашликлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида кўзга ташланади. Буни ҳатто икки халқнинг шаклланиши, номланиши ва тарихий тараққиёт босқичларида ҳам кузатиш мумкин. Ушбу ўхшашликлар, асосан, қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳар иккала миллат ва давлатнинг ҳозирги номлари келиб чиқиши билан боғлиқ умумий ўхшашликлар. Немис ва ўзбек миллатларининг ҳозирги номлари қадимда сифат шаклида қўлланилган. VII асрда пайдо бўлган ва ўз қўшилари қадимий славянлар томонидан "немец", французлар томонидан "олмон", инглизлар томонидан "жеман" (*german*) дея ном олган "deutsch — дойтс" (аввалги *duitsk*, кейинчалик *theudisk ёки tiu(t)sch*) сўзи "уруғга тегишли", "халқчил" маъносинда VIII асрда олдинга тилга (немис тилида) нисбатан, XI асрда ушбу тилда сўзлашувчи халққа нисбатан, XIX асрда мамлакатга (Deutschland) ва ни-

ҳоят XX аср ўрталарида яхлит давлатга (Bundesrepublik Deutschland) нисбатан ишлатилган. Шунга яқин тараққиёт йўлини "ўзбек" сўзи ҳам босиб ўтган. Икки дарё оралиги ва унинг атрофида яшаган мағрур, "ўзига ўзи бек" халқ яхлит миллат сифатида асрлар давомида шаклланиб борди. "Ўзбекистон" сўзи эса бир қарашда шўро даври "ихтироси" туюлса-да, бироқ аслида у анча илгари вужудга келган бўлиб, тарихан Ўрта Осиёнинг кенг минтақаларида яшаган ўзбеклар юртини ифода қиладиган бўлиб келган. 1991 йилда мустақил давлатга асос солингандан сўнг ушбу ном энди яхлит ва суверен Ўзбекистонга нисбатан ишлатилганидан бўлди.

Демак, ҳар иккала миллат номи умумлаштирувчи мазмунга эга. "Немис" тарихан баварлар, франклар, саксонлар, алеманнлар, тюрингяликлар, шваблар, фризлар каби элатларни умумлаштирувчи ном бўлса, "ўзбек" сўзи ҳам асрлар давомида Олтой ва Марказий Осиё кенгликлариде истиқомат қилиб келган 90 дан ортқича уруғ ва элатларни тавсифловчи номдир. Демак, ҳар иккала халқ мисолида тил, халқ, мамлакат ва давлатдан иборат "тўртлиқ" шаклланиши билан бевосита боғлиқ бўлган, ўзаро ўхшаш тараққиёт йўлини кузатиш мумкин.

Иккинчидан, миллий ўзлиқни аниқлаш жараёнидаги ўхшашликлар. "Миллат илмий, этнологик ва ижтимоий эмас, сиёсий тушунчидир", деб ёзган эди ўтган асрнинг бошларида атоқли немис этнолог олими К.Реннер. Гарчи ушбу фикр бироз бўрттирилган, ҳатто эскиргандек туюлса-да, бироқ Германия тарихига тўлиқ мос келади. Ҳақиқатан ҳам, немислардек ўз миллий ўзлигини узоқ вақт давомида ва катта қийинчиликлар билан топган, англашга интилган, турли катта-кичик таллофларга қарамасдан, миллий ғурур учун мунтазам курашиб келган бошқа бир миллатни топиш мушкул.

Немислар ҳақидаги "кечиккан миллат" тамғаси тасодиф эмас. Бу билан Франция, Англия, Испания ва Голландия каби Европанинг бир қатор давлатларидан фарқи ўлароқ, мустақамлачилик сиёсатида Германиянинг кечикканлиги эмас, балки унинг узоқ давр мобайнида марказлашган давлат ва миллий ўзлиқни англаш жараёнидан орқада қолганлиги назарда тутилади. "Миллий ўзлиқ" тушунчаси немислар учун оддий тушунча бўлмай, балки том маънода миллий қадрият ҳисобланади. Гўёки тарих ушбу миллат учун ўз миллий ўзлигини англашга вақт ва имконият ажратганини атайлаб ва мунтазам равишда орқага сургандай. Фақат Европани эмас, деярли бутун дунёни ларзага келтирган икки жаҳон урушлари; тарихда Веймар Республикаси дея ном олган, қисқа фурсат ашаган ва муваффақиятсиз яқун топган илк демократик тузум; салкам 12 йил ҳукм сурган фашистик диктатура; II жаҳон урушидан сўнг антагонизмга асосланган икки қўнги дунёда икки немис (ГФР ва ГДР) давлатининг 40 йилдан ортқича ёнма-ён яшашини каби воқеа-ҳодисалардан сўнг, ниятат, 1990 йилда тарих немисларга ягона миллий ўзлиқни англаш учун қулай имконият туғдирди. Ҳозирги кунда Европа Иттифоқидаги интеграцион жараёнларнинг чуқурлашуви эса миллий ўзлиқни англаш муаммосини яна чигаллаштириб юбор-

ди ва ушбу масала немислар учун бугунги кунда энг баҳсталаб мавзуга айланди.

Ўзбекистонда ҳам ҳозирги кунда Европа Иттифоқи аъзоси бўлган Германиядаги миллий ўзлиқни англаш жараёнига шаклан бўлмасе-да, мазмунан анча яқин жараёнлар кечмоқда. 70 йилдан ортқича сурган шўро мафқураси ўзбеклардан сунтий "совет халқини" ярата олманган бўлса-да, бироқ миллий ўзлиқни англашни бир неча ўн йилларга орқага сурди. Фақат мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўзбеклар ўзларининг бой тарихи ва меросига, ўз тараққиёт йўлини излашга мурожаат қилган ҳолда миллий ўзлиқни англаш муаммосини ҳал қилишга киришдилар ва бу борада сезиларли ютуқларга эришмоқдалар.

Учинчидан, давлатчиликнинг шаклланишидаги умумий ўхшашликлар. Ўзбекистон билан Германияни ўзаро бирлаштирувчи тарихий омиллардан яна бири бу, шубҳасиз, ҳар икки мамлакатнинг давлатчиликни шакллантириш билан боғлиқ мураккаб жараёнларни босиб ўтганлигидир. Таъкидлаш жоизки, "кичик давлатчилик" сўз бирикмаси Германия тарихий-сиёсий менталитетининг муҳим жиҳатларидан бирига айланган. Бу борада рақамларга мурожаат қилсак, 1786 йилда 315 та, 1812 йилда 35 та, 1857 йилда 35 та, 1868 йилда 23 та, 1890 йилда 25 та кичик немис давлатлари мавжуд бўлганлигини куришимиз мумкин. Улар ўз даврида шаклан турли иттифоқ ва марказлар куринишида намоён бўлганлигига қарамай, маҳаллий даражада ўз мустақиллигини сақлаб келишган. Тарихан шакланган ушбу худудий тафаккур, кучли федерализм ҳозирги кунга қадар ГФР учун муҳим омил бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон учун ҳам ушбу хусусият бутунлай бегона эмас. Айниқса, XV асрдан сўнг ўзбек кичик давлатчилигини ташкил этган Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари энг эслаш кифоя.

Тўртинчидан, геосиёсий омиллар билан боғлиқ ўхшашликлар. Ўзбекистон билан Германияни бирлаштирувчи омиллардан яна бири ҳар иккала мамлакатнинг ўз жуғрофий жойлашувидан ҳосил бўлган геосиёсий муҳимлигидир. Ўзбекистон Осиёнинг юраги бўлиши Марказий Осиёда жойлашган бўлиб, ушбу минтақадаги қолган барча мамлакатлар билан умумий чегараларга эга. Германия ҳам Марказий Европанинг қок ўртасида жойлашган бўлиб, яқин қўшиларида нисбатан энг кўп аҳолига эга бўлган мамлакат ҳисобланади. Бундай ўрта қулай ва марказлашган худудий ҳолат табиий равишда ушбу мамлакатларнинг стратегик аҳамиятини янада оширади. Тарихан Ўзбекистон ва Германияда ҳар иккала миллатнинг истиқомат худуди уларнинг давлатчилик ареали билан мос келмаган, яъни ўзбеклар ва немислар миллат номи берилган худуддан кенгрок худудда яшилган келишган. Ўзбекистон ҳам, Германия ҳам ўз қўшиларида нисбатан яққол демографик устулликка эга. Бунинг устига ҳар иккала миллатга мансуб аҳолининг каттагина қисми азал-азалдан қўшни мамлакатлар худудига яшаб, ўзаро яқин муносабатларни сақлаб келишган. Натижада ўзаро тинч-тотув ва ҳамжиҳатликда яшашга интилишдан иборат тафаккур тарғиби шаклланиб, қўшни мамлакатлар билан кучли интеграция ва ҳамкорлик устувор қадриятга айланган.



Германиянинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан, Ўзбекистоннинг эса Марказий Осиёнинг барча давлатлари, шунингдек, Россия, Хитой, Эрон каби йирик давлатлар ҳамда кейинги бир неча ўн йиллардан бери нотинчлик ўчоғига айланган Афғонистон билан худудий яқинлиги ушбу мамлакатларнинг халқаро майдондаги муҳим стратегик аҳамиятидан далолат беради. Қолаверса, Афғонистонда халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида Ўзбекистон Германия билан ҳамкорлик қилаётганлиги ушбу давлатларнинг миллий манфаатларида ўзаро муштараклик мавжудлигидан далолат беради.

Бешинчидан, ўзбеклар ва немисларнинг миллий менталитетидаги ўхшашликлар. Шу жиҳатдан ҳар иккала халқнинг тарихан ўтроқ халқ эканлиги; узоқ вақт мобайнида кучли патриархал жамият ва аграр мамлакатлар бўлганлиги; меҳнатсеварлиги; белгиланган тартиб-қоидаларга ва қонунарга қатъий риоя қилиши; ота-боболардан етиб келган меросни кейинги авлодларга етказиш учун асраб-авайлаши каби ўхшашликларни алоҳида қайд этиш жоиз. Ментал ўхшашликлар тарихий, жуғрофий ва миллий омиллар таъсирида шаклланган бўлиб, улар орасида, айниқса, ҳар икки миллатга хос бағрикенглик; фақат бугунги кун билан эмас, балки келажакка интилиб яшаш; тадбиркорлик ва ишбилармонлик; олижаноблик ва саховатпешалик; миллий ғурур ва эътиқод каби муштарак қадриятларни санаб ўтиш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай давлат бошқа давлатлар билан ўз миллий манфаатларига асосланган ҳолда ҳамкорлик ўрнатади. Ушбу миллий манфаат негизини муштараклик ташкил этса, ҳамкорлик янада мустақам ва самарали кечади. Кўп жиҳатдан турли соҳаларга қаршили Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги юқоридеги ўхшашликлар тасодиф эмас, балки тарихий жараёнлар махсулидир. Икки мамлакат ва халқ мисолидаги ўхшашликлар уларни бир-бирига янада яқинлаштиради ва турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ришталарини мустақамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон билан Германия ўртасида янада яқин алоқада ўрнатилиётганлиги халқаро ҳамжиҳатнинг субъектлари бўлиши икки мустақил давлат ўртасида шунчаки оддий ҳол эмас, балки улар ўртасидаги умумийлик, уйғунлик ва муштаракликлар махсули сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Германия мамлакатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб, 1991 йил 31 декабрда тан олган эди. Мана 28 йилдирки, Германия мамлакатимизнинг суверенитетини ва худудий яқинлигини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, бу ерда амалга оширилётган демократлаштириш ва кенг қўламли ислохотлар жараёнига ҳар томонлама қўмаклашиб келмоқда.

Ўтган даврда ўзбек — немис алоқалари тадрижий равишда босқичма-босқич ривожланиб борди. Энг муҳими, икки томонлама муносабатларнинг кенг қамровли шартномавий ҳуқуқий базаси яратилган бўлиб, у 140 дан ортқича турли битим ва шартномаларни ўз ичига олади.

Ҳозирда икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айирбошлашнинг қулай режими амал қилмоқда. Охириги ўн беш йилдан бери Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига 784,4 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги тўғридан-тўғри немис инвестициялари ва кредитлари жалб қилинган. 2018 йилнинг 9 ойи давомида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 526 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Германиялик сармоядорлар иштирокида 123 та, шу жумладан, соф хорижий капиталга эга бўлган 26 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Республикаимизда Германиянинг 33 та фирма ва компаниялари ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиб, самарали фаолият олиб бораётган немис корхоналари ичиде, айниқса, "МАН" компанияси билан замонавий юк ташиш автомобиллари ишлаб чиқариш, "Клас" концентри ва "Лемкен" компанияси билан қишлоқ ҳўжалиги техникалари ишлаб чиқариш, "Кнауф" компанияси билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, "Дойче Кабель" компанияси билан кабель-ўтказгичлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини санаб ўтиш мумкин.

Икки давлат ўртасида таълим соҳасида ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 1842 мактабда 377 миңдан ортқича ўқувчи немис тилини ўрганмоқда, шу жумладан, 5 миңга яқин ўқувчи Тошкент, Самарқанд ва Марғилон шаҳарларида Германиянинг тил соҳасидаги ихтисослашган дипломи (DSD) олиш ҳуқуқини берувчи урта махсус мактабларда тахсил олмақда. 4443 нафар ўқитувчи немис тилидан сабоқ бермоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "...келгусида биз ўзбек — немис алоқаларини ўзаро хурмат, тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасида янада мустақамлаш йўлида ўз саъй-ҳаракатларимизни биргаликда давом эттиришимиз лозим".

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 20-22 январь кунлари Германия Федератив Республикасига бўлиб ўтадиган ташрифида ҳозирда кизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Режалаштирилган ташриф давомида Германия пойтахти Берлин шаҳрида мамлакатимиз раҳбарининг Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер, Федерал канцлер Ангела Меркель ва Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбле билан учрашув ва музокаралари бўлиб ўтиши кўтилмоқда. Кун тартибидан сиёсий мулоқотни янада мустақамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, маданий-гуманитар, фан-таълим ва туризм соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш каби масалалар ўрин олган.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Германиянинг энг қудратли федерал худудларидан бири — Баварияга ҳам ташриф буюриб, Германиянинг етатқи ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари билан учрашувлар ўтказиши режалаштирилган.

Ташриф доирасида иқтисодиёт, молия, инвестиция, инновация, илм-фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликка оид икки томонлама қатор ҳўжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг Германияга бўлажак ташрифи, шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга. У, бир томондан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилиш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада мустақамлаш, бизнес-тузилмалар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратса, иккинчи томондан, мазкур ташриф орқали Германия жамоатчилигини мамлакатимизда оз бераётган кенг қўламли ўзгаришлар билан таништириш имконини беради.

Юсуф ИСМОИЛОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти

Бугун жамиятни демократлаштириш, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш орқали янги ташаббусларга йўл очиб барча соҳада олиб борилаётган ислохотлар жараёнига ўзининг яққол таъсирини кўрсатмоқда. Одамлар давлат идораларига турли ижтимоий муаммолар билан мурожаат қилибгина қолмай, уларни қай тарзда муваффақиятли ҳал этишга доир таклифларни ҳам билдирмоқдалар. Буни ислохотлар натижаси, деб баҳолаш мумкин.

Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида билдирган фикр-мулоҳазалари кўпчилик қатори мени ҳам беҳад тўлқинлантириб юборди. Давлатимиз раҳбари одамларни янгича яшаш ва меҳнат қилишга руҳлантириш орқали вилоят салоҳиятини янада ошириш, хусусан, ташқи савдо, инвестиция, туризм ва саноатни устувор даражада ривожлантириш, аграр соҳада инновацияни технологияларни қўллаб-қувватлаш, йирик иқтисодий лойи-

ҳаларни ўз вақтида амалга ошириш Самарқанд ва самарқандликлар учун қай даражада улкан имкониятлар эшигини очишини рақамлар мисолида таҳлил қилиб берди.

Давлатимиз раҳбарининг вилоят, шаҳар ва қишлоқлардаги бугунги манзарани, одамларнинг янгича яшашга бўлган иштиёқини яққол тасаввур қилиши, ҳатто энг чека худудлардаги муаммолардан хабардор эканликлари кўп нарсалардан далолат беради. Аввало, бу шуни англатадики, халқ давлат

Йирик иқтисодий лойиҳалар

улкан имкониятлар эшигини очмоқда



Абдуҳалим МЕЛИЕВ,
халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати

идораларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак, деган тамойил жой-

ларда ўз ифодасини топмоқда. Маҳаллий ҳокимият бўғинидаги раҳбарлар фуқаро мурожаати олдида шахсий жавобгарликни, масъулиятни ҳис эта бошлашди.

Сессияда айни шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда давлат идоралари раҳбарлари, депутатлар, сиёсий партияларни ислохотлар жараёнига чуқур дахлдорлик билан қараб, фуқаролар ишончини оқлашга даъват этилгани, ҳамма жойда жамоатчилик кучи ва назорати ўз сўзини айтиши лозимлиги, ижтимоий муносабатларда адолат меzonларига қатъий амал қилиниши, қонун устуворлиги таъминлишини бугуннинг кечиктириб бўлмас вазифаси сифатида қайд этилганлиги чуқур

аҳамиятга моликдир. Чунки ҳар қандай улғу ишга чинакам масъулият, тартиб-интизом ва яқдиллик, ҳамжиҳатлик билан эришилади. Ахир бугун вилоят иқтисодиётига йирик инвестициялар жалб этилмоқда. Қиймати аввалги йиллардагидан бир неча баробар катта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Худудлардаги ҳар қандай инновациянинг ижтисодиётга қўшилиши, кенгайтирилиши, экспорт имконияти оширилмоқда. "Самарқанд сити" қурилиш лойиҳасининг илк пойдеворини барпо этишга дадил киришилган. Окдарё, Каттақўрғон туманларидаги йирик иқтисодий лойиҳалар ҳам вилоят миқёсида ўзига хос мазмун

касб этиши таъкидланмоқда. Ана шу улкан бунёдкорликлар жараёнида биз, депутатлардан талаб этиладиган вазифа масъулияти шундан иборатки, аввало, сиёсий партия ва сайловчиларнинг вакили сифатида ваколатларни тўлиқ ишга солишимиз лозим. Энди давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларидан шаффофликни, қабул қилинган қарорлар ижросини талаб қилиш билан чекланиб қолмасдан ислохотлар жараёнига мос ва хос таклифлар билан чиқиш, бу борада чуқур билим, сиёсий кўникаларни намоён этишимиз, содда қилиб айтганда, ҳам қарз, ҳам фарз. Дейлик, "Фалон жойда депутатлар раҳбарнинг

ҳисоботини эшитиб, танбеҳ бериш билан кифояланишибди, натижа эса ноль", деган мазмундаги гапларни эшитиб юришдан кўра амалий ишга қўл уриш пайти келди. Депутат тиббиёт, таълим соҳаларидаги муаммолардан беҳабарми? Ёки абгор ҳолатга тушиб қолган йўлдан қатнаётган ўқувчиларнинг азият чекаётганлигидан кўз юмиш мумкинми? Йўқ, албатта. Шундангина халқнинг, халқнинг, сайловчининг кўзи, сўзи, диққат-этибори бўлиб, ҳар бир муаммога ечим топиши зарур. Шундангина халқнинг, халқ манфаати учун фидойилик билан яшашни ўргатаётган Президентимизнинг ишончига лойиқ бўлишимиз мумкин.

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори

Давоми.
Бошланғичи 1-бетда

Унга мувофиқ, мутасадди вазирилик ва идоралар зиммасига Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет порталини яратиш, аҳолига бепул маслаҳат бериш порталини ўз ичига олган Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимини яратиш, аҳолининг кундалик ҳаётида кўп учрайдиган ҳуқуқий масалалар юзасидан савол-жавоб тарзидаги қўлланмаларни тайёрлаш ва хондонларга бепул тарқатиш, маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида "Ҳуқуқий ахборот кўни" лойиҳасини жорий этиш, давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бепул ҳуқуқий маслаҳат курсларини ташкил этиш каби яна бир қатор вазифалар амалга оширилади.

Шу ўринда, аччиқ бир ҳақиқатни тан олишимиз керак. Ҳужжатда тилга олинганидек, кўпчилик ҳолларда қонунларга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатаётганимиз ҳам, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фаоллик кўрсатмаётганимиз, қонунларга ҳурмат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс ёндашмаётганимиз аниқ ва афсусланарли ҳолатдир. Аслида бу масалага биргина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг вазифасигина эмас, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, кенг жамоатчиликнинг ҳам иши, деб қарашимиз шарт эди.

Биз ўзимизни билимдон, зиёли, маданиятли қилиб кўрсатишга ҳаракат қиламизу аммо ҳамма вақт ҳам қонунларга нисбатан одобсизлик кўрсатаётганимизга иқдор бўлавермаймиз. Кўпинча, бу борада гап борганида айбни ёшлардан қидирамиз, ўзимизча уларни тарбиялаш керак, деган гоёни илгар сураемиз. Очиғи, бу борада биз ҳамма вақт ҳам тўғри фикрламаймиз. Негаки, ёшлардан қонунларга итоат қилишни талаб қиламизу ўзимиз ўрнатган кўрсатмаймиз. Ва ниҳоят, бундай аччиқ гапларни эшитганда буни ҳаммамиз ҳам тушунишни истаймизми ўзи, деган савол туғилади.

Ҳўш, қачонгача бу ҳол давом этади?

Фармонда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик муносабатини шакллантириш вазифаси белгилаб берилди. Бу норма, албатта, хулоса чиқаришни талаб этади.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, қонунларга ҳурматсизлик, уларни тан олмаслик, менсимаслик, итоат қилмаслик кўпроқ катта ёшдагилар орасида, айниқса, айрим мансабдор шахслар ўртасида тарқалган. Халқимизда "Кўш уясида кўрганини қилади", "Катта қарвон қаердан юрса, кичик қарвон ҳам шу йўлдан юради" каби мақоллар бежиз айтилмаган. Шуларни ўйлаганда нахотки ўз она Ватанимизга, муқаддас заминимизга, жонажон мамлакатимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизга ўз дилимиздаги сохталик соя солаётган бўлса, деб ўйлаб қоламиз. Қани энди ҳар бир инсон ўзининг ватанпарварлик, садоқат, оқибат кўрсатаётгани ҳақидаги баландларвоз сўзларини "Адолат тарозиси"нинг бир палласига қўйсаю, қонунларга бўлган ҳурматини иккинчи палласида ўлчаеса... Ушанда, бугунги кунда қонунбузар сифатида оммавий ахборот воситалари орқали халққа "танилиб" қолаётган айрим шахслар хулоса қилган бўлармиди?..

Ваҳоланки, бугун ҳар бир давлат хизматчиси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ходимларининг феъл-атворида Ўзбекистон Республикаси қонунларига бўйсунуш ва уларни ҳурмат қилиш одобини сингдириб бориш муҳим зарурат саналмоқда. Шу сабабли ҳам фармонда назарда тутилганидек, жамиятимизда коррупцияга қарши мурасасиз кураш олиб борилаётган ҳозирги даврда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражасига нисбатан алоҳида талаблар ишлаб чиқиш, қонунларга ҳурматсизлик қилган мансабдор шахслар тўғрисида асослантирилган кўрсатувлар, эшиттиришлар ташкил қилиш, мақолалар чоп этиб бориш, уларнинг қилмиши нотўғри эканлигини таъсирчан воситалар орқали кўрсатиб бериш, албатта, самарасиз қолмайди.

Эътибор қаратадиган бўлсак, бугун энг ривожланган мамлакатларда ҳар бир инсон миллий қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатни кучайтиришга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, ўз она Ватанини ҳар қандай қонунбузарликдан ҳимоя қилишга шай туриши билан эътиборни тортади. Масалан, Хитойда маънавий тарбия тизими она Ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш гоёси асосида ташкил этилган. Нега энди биз ўз Ватанимизга содиқлигимизни ҳуқуқий маданиятимиз, бутун дунё эътироф этадиган маънавиятимиз ва ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган одоб-ахлоқимиз билан исбот этмаямиз? Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз-ку ахир...

Ҳа, Президентимизнинг ушбу фармонини ўқиган кишида биринчи навбатда сўзи билан

иши бир бўлмасликка қарши курашиш керак, деган тушуна пайдо бўлади. Дарҳақиқат, ўзи қонуншунос бўлса-ю, қонунни менсимаса, ҳуқуқшунос бўлса-ю, унга риоя этмаса, мансабдор бўлса-ю, мансабини суистеъмол қилса, буни қандай изоҳлаш мумкин? Бунга йўл қўйган айрим шахслар мамлакатимиздаги шаффоф бошқарув жараёнида "сув усти"га чиқиб қолаётти. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқий тарғиботни биринчи навбатда онгни тозалашдан бошлаш аини мудоаодир.

Абу Носир Форобийнинг фикрларини эсга олайлик. Машҳур файласуф ҳар бир мансабдор шахс қонунларни чуқур ўрганиши, уларга риоя қилишда шахсан намуна бўлиши, аҳоли ўртасида қонунларни кенг тарғиб қилиши, уни такомиллаштириш бўйича тақлифлар кирита билиши, жой бўлса, қонун ёза олиши шартлигини илгари сурган.

Айни шу мезонлардан келиб чиқиб, Президентимиз фармонида фуқаролар онгида "Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришишнинг гаровидир!" деган ҳаётий гоёни мустаҳкамлаш, аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш бирламчи вазифалардан этиб белгиланди.

Шундай экан, бугун биз ана шу қондаларга ҳаммамиз ва ҳамма вақт ҳам риоя этаямизми, деган ҳақиқ савол туғилади. Зеро, қонун нормалари одамлар онига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади. Қонун эса халқнинг хоҳиши-иродасидир. Шу нуқтаи назардан, биз катталар кичикларга ибрат бўлишимиз, қонунга риоя этишни одоб деб билишимиз вақти келди.

Шунинг учун ҳам Президент фармонида таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш гоёларини кенг тарғиб қилиш назарда тутилмоқда. Бунда, айниқса, ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш бўйича ўзига хос тизим яратилади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси одам "Жамиятда ҳуқуқий онг ва

ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармон ўз мазмун-моҳиятига кўра партиянинг дастурий гоё ва мақсадларига, қонун устуворлиги ва адолатлилик тамойилларига ҳамоханг, деб ҳисоблайди.

Биз, албатта, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, аҳолини амалдаги қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб боришга, ҳар бир инсонга ҳуқуқ одобини сингдиришга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз. Ва уларда иштирок этишни янада кенгайтираемиз. Партиянинг ёшлар ўртасида ўтказиб келинаётган "Конституция билимдони" кўрик-танловини, ҳар ҳафтанинг сешанба кунини маҳаллаларда ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий ўқувлар сифатини ва самардорлигини янада ошириш чораларини кўраемиз.

Йўлаймики, кимдир ўқиб ўрганса, кимдир кўриб ва яна кимдир эшитиб ўрганади. Шу сабабли биз ҳуқуқни ўрганиш учун турли воситалардан фойдаланишимиз жоиз. Президентимизнинг ушбу муҳим фармонини амалга ошириш бўйича тегишли давлат органларига қуйидаги тақлифларимиз билан ўртоқлашимиз лозим.

Биринчиси. Ҳар бир шахар ва туман марказларида "Конституция хиёбони" яратиш ва боғнинг марказига Конституциянинг рамзий монументини ўрнатиш. Унинг атрофига давлат рамзлари ва улар ҳақидаги маълумотларни одамларни ўзига жалб қиладиган тасвирларда жойлаштириш; хиёбон марказига олтига йўлак қилиш ва йўлаклар четига Конституциянинг олти бўлими бўйича моддаларни электрон таблоларга ва макетларга ўрнатиш; хиёбонда Конституция ва қонунлар кутубхонаси ва алоҳида дўконларни ташкил этиш. Хиёбонда радиоэшиттирувлар, теле-видеокурсулар ташкил қилиш ва уларда фақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

ҳамда қонунлари ҳақидаги маълумотлар бериб бориш.

Иккинчиси. Мактабгача таълим муассасаларида болалар учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат рамзлари ҳақида тушунчалар берувчи рангли электрон таблолар яратиш ва уларни кўринарли жойларга ўрнатиш, ҳар бир муассасада Конституция хонаси ташкил этиш ҳамда уларни Бош қомусимизни ифодалайдиган суратлар, ўйинчоқлар ва бошқа кўргазмали воситалар билан жиҳозлаш, мультимедиа фильмлар яратиш, мусикали ва овоз чиқарувчи рангбаранг китоблар нашр этиш.

Учинчиси. Умумий ўрта таълим мактабларида Конституция майдони яратиш ва уни Конституция ва қонунлар акс этган замонавий тарғибот воситалари билан жиҳозлаш. Мактаб биноси ичида ўқиш қулай бўлган жойга Конституция ва қонунлар ҳақидаги маълумотларни, қайси хатти-ҳаракатларни содир этиш маъмурий ёки жиноий жавобгарлик келтириб чиқаришни акс эттирувчи электрон табло ўрнатиш.

Тўртинчиси. Ҳар бир олий таълим муассасасида Конституция майдони яратиш ва уни Конституция ва қонунлар акс эттирилган замонавий тарғибот воситалари билан жиҳозлаш. Муассаса биноси ичида ўқишга қулай бўлган жойга Конституция ва қонунлар ҳақидаги маълумотларни, ҳуқуқий маданият ва одоб-ахлоқ тўғрисида кенг қамровли тушунчалар бериб борадиган, маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқарадиган хатти-ҳаракатлардан огоҳ этувчи электрон табло ўрнатиш.

Бешинчиси. Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат жойлари тўғрисида"ги қонунини қабул қилиш ҳамда жамоат жойларида, кўча-кўйда юриш, ўзини тутиш ва атрофидагилар билан муомала қилиш маданиятини шакллантириш бўйича ҳар бир турдаги йўловчи транспорт воситаларида, автобекатларда, темирйўл бекатларида, аэропортларда, оғакатлиниш ва савдо шохобчаларида, турар жой бинолари олдида жамоат жойларида қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйиш мақсадида оғакатлинувчи ва тушунтирувчи таблолар ўрнатиш.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу фармони фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш баробарида халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган одоб-ахлоқ борасидаги устувор қадриятларини бутун дунёга кўрсатиш, халқимизнинг обрўсини янада юксалтиришга қаратилган. Биз эса ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун масъуллигимизни унутмаслигимиз лозим.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

Спорт усталари депутатлар даврасида

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси ҳамкорлигида "Спорт усталари депутатлар даврасида" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши, Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси вакиллари, партия фаоллари, спортчи ва мураббийлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.



Таъкидланганидек, юртимизда спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириломоқда.

— Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш орқали улар қалбида ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туғуларини камол топтиришда Белбоғли кураш федерациясининг ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда ташкил

этилаётган тадбирлар яхши самара бermoқда, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов.

Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси раиси Равшан Дастировнинг таъкидлашича, халқимиз белбоғли кураш спорт турига ҳалоллик, мардлик, жасорат намунаси сифатида катта эътибор қаратиб келган.

— Шу боис ушбу спорт турини тарғиб этиш ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама соғлом қилиб вояга етказишда

таъсирчан аҳамиятга эга саналади, — деди Р.Дастиров. — Айни вақтда кўплаб мамлакатларда Кураш федерациялари ташкил этилганлиги бежиз эмас, бу спорт турининг дунё бўйлаб нуфузи ортиб бermoқда.

Белбоғли кураш Ўзбек миллий спорт турларидан бири ҳисобланиб, бу спорт тури Фарғона водийси ва унга туташ ҳудудларда, Тошкент, Сирдарё вилоятида кенг тарқалган. Ҳозирги кунга келиб юртимизнинг барча вилоятларида ва Қоракалпоғистон Республикаси

да ҳам белбоғли кураш спортини билан ёшларимиз мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Азал-азалдан сайилларда, тўйларда ва бошқа йиғинларда кураш мусобақалари ташкил этиб келинган. Бу беллашувларда кураги ерга тегмаган полвонларимиз юртимиз доверуғини дунёга танитганлар.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Қодир Жўраевнинг "Белбоғли кураш спорт тури тарғиботини ривожлантириш

нинг меъёрий-ҳуқуқий базаси" мавзусидаги маърузаси тингланди.

Белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони Нодирбек Ахатов ўз сўзида олимпия, Осиё ёшлар ва биринчилари мусобақаларида юқори натижаларни кўрсата оладиган маҳоратли спортчиларни тайёрлашда маълум спорт мутахассисларининг ўрни бекиёс эканини қайд этди.

Тадбирда партия фаоллари, депутатлар ҳамда Ўзбекистон

Белбоғли кураш федерацияси ҳамкорлигидаги ишлар қўламини кенгайтириш, ёшларга мазкур спорт турининг аҳамияти ва нуфузини тушунтириш зарурлиги ҳақида фикрлашиб олинди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга депутатлар ҳамда мутахассислардан атрофлича жавоб олишди.

Фотима САТТОВОВА,
Тошкент вилоят кенгаши
матбуот котиби

ТАДБИР

Тошкент вилоятининг Тошкент туманида "Ватан ҳимояси — муқаддас шараф!" ширини остида ўтказилган тадбир "Миллий армиямиз — ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактаби!" деб номланди.

Ватан ҳимояси ишончли қўлларда

— Мамлакатимизнинг кундан-кунга гуллаб-яшнашида, фарзандларимизнинг зукко ва билимдон бўлиб камолга етишида, олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида, барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқларимизда Ватанимизнинг мард ўғлонларининг муносиб ҳиссаси бор, — деди тадбирда сўзга чиққан Тошкент тумани ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи Қаҳҳор Абилов. — Юртимиз ва хондонимиз тинчлиги меҳнатимиз самардорлигини кафолатлайди!

Ўз касбининг фидойиси бўлган ҳарбийлар туман ҳокимлигининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Байрам тадбири иштирокчилари туман БУСМ спортчиларининг чиқишларида спортнинг кураш, яккаураш, дзюдо, карате ва бошқа турлари бўйича уларнинг салоҳиятини, юксак маҳоратни эгаллаганликларини кўриб, Ватанимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов, Ўзбек Миллий академик драма театри актриси Наврўз Жумаевнинг саҳналаштирилган чиқишлари мактаб ўқувчиларининг куй-қўшиқларига уланди.

Даврон АҲМАД

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ


“Бузруклар” айтибдурларки, одамнинг икки нисбати бор фаришталаргаки, ул сабабдин илму амалга мойил бўлур ва яна нисбати бор чорпой ҳайвонгаки, анинг бирла емакча ва жимъ қилмоққа харис бўлур. Ақлнинг шарти будурки, то имкон борича фаришталик нисбатига қувват бергай ва ҳайвонот нисбатига майл қилмагай. Ҳар вақтеки, одамларда емак хирси ғолиб зиёдалангай. Аммо мўминга керакки, шаҳват галаба қилганда нафс жиловини тортиб, ҳиммат этагини ҳаром чиркиниятидан пок тутгай, ношоиста амаллардан кўзин юмгай”.

мана шунга ўхшаш ҳолат юзага келган. Уни жиноят сари бошлаган илк йўл шу ердан, оиладаги бепарволик, лоқайдликдан бошланган, десак хато бўлмайди. Шу ўринда яна бир маълумот эътиборни тортади. Мастура ўзи яшаётган Узун туманида кўп жойларга иш сўраб боради. Лекин бўш иш ўрни йўқлиги сабабли ишга жойлаша олмади. Натижада Тошкент вилоятига келиб, замонавий ибора билан айтганда, “ёлланма ишчи”, халқимиз тилида айтганда, мардикор бўлиб ишлайди. Яқинларидан узокда бўлган, тартибга қайриб, тўғри йўлга бошлаб турадиган одам бўлмагани сабабли Мастура мардикорликда ишлаш даврида пул, маблағ топишнинг турли йўлларига кириб чиққан кўринади. Ақс ҳолда Дамир Темиров билан бирга яшай бошлаганидан кейин ҳам марҳум Салим Нишоннинг бир оғиз ширин сўзига, берадиган пулига учиб, у билан хуфёна учра-

тарзида муносабатда бўлишган. 2017 йил 17 апрелда Дамир Темировнинг Россия Федерациясига ишга кетиши ўғай она билан ўғай қиз ўртасидаги жанжалнинг жиноятга айланиши учун имкониятни юзага келтирган. Бу имкониятнинг юзага келишига ўзи истамаган ҳолда оиласидагиларнинг ҳаётига, ўзаро муносабатларига лоқайдлиги, эътиборсизлиги, бепарволиги туфайли айнан Дамир Темиров ҳам ҳисса қўшган. Одатда, бирор жойда жиноят содир бўлса, у ҳақда сўз боргудек бўлса, “Хўш, бу жиноятнинг олдини олишда маҳалла оқсоқоллари, эл-юрт улуғлари, тартиб посбонлари, Касаба уюшма, Ёшлар иттифоқи ва бошқа соҳаларга мутасадди муассасалар вакиллари нега фаоллик кўрсатишмади?” деган савол ўртага ташланади. Бу бежиз эмас. Негаки, ён-веримизда рўй берган жиноят бир-икки одамнинг ёки бир оиланинг

радан кимлигини, қаердан келганлигини, бу уйда нимага яшаётганлигини сўрадим. У Дамир Темировнинг хотини эканлигини, эри Россиядан келгач, қонуний никоҳдан ўтмоқчилигини айтди. Мен Дамир Темировнинг иккинчи хотини билан қизлари ўртасида келишмовчиликлар бўлганлигини билардим. Унинг учинчи хотини билан қизлари ўртасидаги низолар ва жанжалларни кўшнилардан эшитдим. Оқибатда мана шундай жиноят содир бўлди”. Агар маҳалла фуқаролар йиғини масъалатчи бу гапларни судда гувоҳ тарида айтмасдан, маҳаллада қонуний жиҳатдан фаолият юритганда, ўзи айтгандек “хизмат вазибаларини адо этганда” эди, эҳтимол, бундай жиноят рўй бермасди. Бир оила оғир фожиани бошдан кечирмаган, маҳалла аҳли эса оғир инсондан бошини ҳам қилмаган бўларди. Яна ўша инсон тақдирига лоқайдлик, эътиборсизлик, бепарволик ҳаётда ўзининг салбий изини қолдирган.

Нозима Мастурани уй ишларини яхши бажармаганликда айблаб, ҳақоратлайди. Ўртада яна жанжал кўтарилади. Шундан кейин ўғай қиз ички кийимларини ўғай онага бериб, ювишга мажбур қилади. Демак, ўша кунни бошланган жанжал тунда ҳам давом этган.



Лоқайдлик Эмагага яширинган жиноят

Улуғ аллома Хусайн Воиз Кошифийнинг ушбу сўзларини ўқир эканман, аждодларимиз бизга илму одоб, ахлоқ, тарбия бобида буюк мерос қолдириб кетганига қалбдан фахр туяман. Лекин бу меросдан баҳрамандимизми, унда тилга олинган, минглаб йиллар давомида синовлардан ўтган, инсонга хос энг яхши хислатларни ҳаётимизга татбиқ этаётимизми? Баъзи ҳолларда яхши инсоний фазилатлар четда қолиб, Кошифий ҳазрат айтмоқчи, ҳайвонга хос ҳаром чиркиниятларга, жимъ қилмоққа йўл очиб бермаётимизми? Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2017 йил 4 декабрдаги мажлисида ўтириб хаёлимдан шу фикрлар кечган эди.

Суднинг қора курсисига ёши ўттизлардан ошган, юз-кўзидан ҳаётда яхшию ёмонни кўравериб тақдир эпкиларига кўникиб қолгандек тасаввур уйғотадиган, қиёфасига лоқайдлик, бепарволик, тундлик ўрнашиб қолган аёл ўтирарди. Унинг кўринишида бесарамжонлик, ўзини кўйишга жой топа олмаётгандек ҳолат бор эди. Суд жараёнида унинг кимлиги маълум бўлди.

Аёлнинг исми-шарифи (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) Мастура Кўчқорова экан. У 1987 йилнинг 9 июнида Сурхондарё вилоятининг Сарийоси туманида таваллуд топган. Узун туманидаги “Дўстлик” маҳалласида яшаган ва шу ерда доимий рўйхатда турган. Ўзининг айтишига қараганда турмушга чиққан, эри гиёҳванд бўлганлиги учун ажрашиб кетган. Кейин отаси вафот этган. Акаси уйланиб, маблағ топиш учун Россия Федерациясига ишга кетганидан кейин ота-онанинг уйига сифмаган. Янғаси билан келишолмай ўйдан чиқиб кетган. Дастлаб Тошкент вилояти Оққўрғон туманида кунлик ишлар (мардикорлик) билан шуғулланган. Шу ерда ишлаш жараёнида сирдарёлик Омина Тоштемирова деган аёл билан танишган. Мастура 2016 йилдан бошлаб Сирдарё вилоятида яшай бошлаган. Бу ерда ҳам турли жойларда ишлаган. “Гулистон” кафесида официантлик қилган. Ўша пайтда таниши Омина Тоштемированинг хонадонига яшаган.

2017 йил 2 июндан 3 июнига ўтар кечаси тунги соат 2 да Мастура Нозима уч бола билан етган хонанинг ичигади кийимларга олов бериб, унинг эшигини ташқаридан осма кулф билан бекитиб, воқеа жойидан яширилади. Натижада, ёнгин туфайли ва ис газидан захарланиш оқибатида Нозима Раҳимова ва унинг икки фарзанди — 2010 йилда туғилган Носир Раҳимов, 2015 йилда туғилган Хуршида Раҳимова воқеа рўй берган жойда, 2007 йилда таваллуд топган Ботир Раҳимов эса 2017 йилнинг 8 июнида шифохонада вафот этди. Қўлга олинган Мастура Кўчқорова судда барча айбларига иқдор бўлди. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг ҳукми билан узок муддатга озодликдан маҳрум этилди ва ундан жабрланувчилар ҳисобига салкам 125 миллион сўм моддий ҳамда маънавий зарар ундирилши белгиланди.

шиб, маишат қилиб, номуссизлик кўчасига кирмаган бўларди. Мастуранинг ўзидан 26 ёш катта Дамир Темировга бир-икки соатлик танишувдан кейин, унинг кимлигини билиб-билмай турмушга чиқишга розилик билдириши ва қонуний никоҳсиз яшай бошлашини тушунас бўлади. Чунки ўй-ҳўйсиз, ишй ҳам омонат бўлган, тайинли қасб-хўнари бўлмаган аёлга биров бошпана бераман, уст-бошинг бут бўлади, бирга яшаймиз деса, унинг бундай омаддан юз ўғирмаслиги табиий. Лекин бу “омад” уни жиноят кўчасига яқинлаштирган.

Ушбу жиноят ишида Дамир Темировни ҳуқуқий жиҳатдан олганда жабрланувчи, деб ҳисоблаш мумкин. Уйнинг бир қисми ва хонанинг ичигади нарсалар ёниб кетган, кизи Нозима Раҳимова, учта невараси жиноят туфайли ҳалок бўлган. Лекин, келинг, бу масалага ҳуқуқий жиҳатдан эмас, маънавий жиҳатдан бир эътибор қаратайлик. Дамир Темиров турмуш ўртоғи Дилдора Темирова вафот этганидан кейин Шохид Тинишбоева исми аёлга қонуний асосда никоҳдан ўтиб уйланади. Унинг уйланиш сабабини аңлаш мумкин. Эрак одамага ҳаётда ҳам, оилада ҳам ҳамкор, йўлдош керак. Бироқ у киши Шохид Тинишбоевага уйланиш ниятини қизларига билдирмасдан, аниқроғи, улар билан маслаҳатлашмасдан, уларнинг розилигини олмасдан туриб амалга оширган, шекилли, суддаги гувоҳларнинг фикрига қўра, қизлар билан ўғай она ўртасида ҳар хил низолар бўлиб турган. Шохид Тинишбоева ҳомилидан бўлганидан кейин Д.Темировнинг катта қизи Нозима “Сен отамдан меросхўр туғмоқчимсан? Меросхўр туриб уйимизни тортиб олмақчимсан? Бу найрагинг ўтмайди”, дея ўғай онани ҳақоратлайди. Кўшнларнинг айтишича, қизлар ўғай онани чўридек ишлатишди. Шохиданинг ҳомиласи ўлик туғилди. Шундан кейин Шохид касаллигини рўқча қилиб, Дамирнинг қизлари билан бирга яшай олмамлигини аңлаб етиб, эри билан ажралишди. Хўш, Дамир Темиров қизлари билан иккинчи хотини ўртасидаги бундай низоларни, ўзаро жанжалларни билмаганми? Билган, билса ҳам хотини билан қизларини ўзаро яраштира олмаган. Ўғай онанинг бу оилдан кетиши келгусида рўй бериши мумкин бўлган жанжалларга барҳам берган, холос.

фожиаси эмас, балки бутун бир маҳалла-қўйнинг, юртинг, эл-улуснинг фожиаси сифатида қаралади. Шунинг учун жиноятнинг олдини олишда, уни бартараф этишда соҳа мутасаддилари билан бирга жамоатчилик вакиллари ҳам фаоллик кўрсатишлари талаб этилади. Талаб этилади-ю аммо бу борада фаоллик ҳамма ҳам талаб даражасида бўлавермайди. Эътибор беринг, ҳамма маҳаллаларда, қишлоқларда, овулларда “Милиция таянч пунктлари”, бошқачароқ айтганда, “Маҳалла посбонлари” фаолият юритади. Уларнинг асосий вазифаси — маҳалла аҳлининг тинчлигини асраш, аҳоли ўртасида юз бериши мумкин бўлган низо ва жанжалларнинг олдини олиш, бу масканга келиб-кетувчиларни ва шу ерда яшовчиларни қонуний асосда назорат қилиш, жиноятчиликни бартараф этишдан иборат. Табиийки, Дамир Темиров оиласи яшайдиган масканда ҳам маҳалла бор. Бу маҳалланинг эса ўз посбонлари мавжуд. Аммо бу посбонлар Дамир Темиров 2-3 ойлаб бир аёл билан никоҳсиз яшаётганини текширмаган, унинг оиласидаги қизлар ва ўғай она ўртасидаги низо ва жанжаллардан беҳабар бўлган, Мастуранинг паспортини Сирдарё вилоятига рўйхатга қўймасдан яшашини ва ишлашини билишмаган. Шундай экан, маҳаллалар посбонлари, ички ишлар ходимларининг бундай ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятининг моҳияти нимадан иборат, деган савол туғилади. Афсуски, бу ҳолатда ушбу саволга жавоб топиб бўлмайди.

Эндиликда маҳаллаларда, қишлоқларда, овулларда аҳолининг гўзал ахлоқий хусусиятларини намоен этиб, тинч-тову, аҳил яшашларини таъмин этишда дин вакиллари — жойлардаги имом-хатиблар, имомлар, ноиблар зиммаларига ҳам жиддий масъулият юкланган. Аммо бу масъулият ҳамма ҳам юксак даражада идрок қилинавермайди. Масалан, судда гувоҳлик берган Боёвут туманида жойлашган масжидда ноиб бўлиб ишлайдиган Мамажон Ҳақбердиевнинг сўзларига эътибор берсангиз, бунга аққол ишонч ҳосил қиласиз. “Менда никоҳ ўқиш учун ҳеч қандай ҳужжат йўқ, — дейди у. — Бироқ масжидда имом бўлмаган пайларда бундай ишларни ҳам бажариб турганман. 2017 йилнинг март ойи охирида Дамир Темировнинг уйига бордим. Дамир Темиров билан Мастура Кўчқорова қонуний никоҳдан ўтмаган экан. Никоҳ гувоҳномаси бўлмаса, уларни шаръий никоҳлаш мумкин эмаслигини айтдим. Лекин 50 минг сўм эвазига уларни никоҳлаб қўйдим.” Мана, сизга аҳоли ўртасида юксак инсоний қадриятларни қарор топтиришга жалб қилинган жамоатчилик вакилларида бирининг қилмиши. Яна ўша инсон ҳаёти учун лоқайдлик, бепарволик, эътиборсизлик. Унинг баҳоси эса 50 минг сўм экан.

2017 йилнинг март ойи охирида Омина Тоштемированинг кўшниси Бозоргул Муҳаммедова Мастурани кўчада кўриб қолиб, “Сен бундай ҳолда юрма, ёшсан, турмуш қуришинг керак. Турмуш қурсанг, уйли-жойли бўласан, қўйналмайсан. Агар турмуш қурмоқчи бўлсанг, менинг танишим бор. Хотини вафот этган, учта қизи бор. Янгиер шаҳрида туради”, дейди. Бозоргулнинг “марҳумати” билан 29 март кунини унинг уйда куёв бўлиши Дамир Темиров билан учрашади. Бир-икки соатлик танишувдан кейин Мастура 56 ёшли куёв Д.Темиров билан унинг Янгиер шаҳар, Коинот кўчасидаги хонадонига йўл олишди. Хонадонда Мастурани куёвнинг иккинчи қизи — икки фарзанди билан оиласидан ажралиб келиб яшаётган Дилноза Тўраева ҳушламай қутиб олади. Қиз отасининг ўзи тенги ёш аёлга уйланишини истамайди. Лекин отанинг “Сен менинг ҳаётимга аралашма!” деган дўкидан кейин ўзини четга олади. Ота эртасига Боёвут туманидаги масжидда ноиб бўлиб ишлайдиган Мамажон Ҳақбердиевни чақиради. У 50 минг сўм эвазига Дамир ва Мастурани шаръий никоҳлаб қўяди. Отанинг бу ишларидан ҳабар топган катта қизи Нозима Раҳимова Мастурани ўғай она сифатида қабул қилишни истамай жанжал кўтарди. Унинг хонадондан чиқиб кетишини талаб қилади. Лекин ота Мастуранинг кетишига йўл қўймайди.

Воқеалар тафсилотини тўлиқ келтираётганимиз бежиз эмас. Негаки, мақсадимиз суд жараёнининг қандай ўтгани, айбланувчи, жабрланувчиларнинг бу жараёнда нималар дегани, гувоҳлар кўрсатмалари, суд ҳукмининг қонуний асослари ва бошқа жараёнлар хусусида эмас, балки бу жиноятнинг юзага келиш сабаблари, унга асос бўлган омилилар, жиноятчи ва жабрланувчилар атрофидагиларнинг уларга нисбатан муносабатлари борасида мулоҳаза юритишга ҳаракат қиламиз.

Файласуфлар сабабсиз оқибат йўқ, дейишди. Шундай экан, Мастурани жиноят йўлига бошлаган сабаблар нимада? Эътибор беринг, Мастура Кўчқорованинг айтишига қараганда, унинг оиласида, турмушида, ҳаётида ҳаловат бўлмаган. Турмуш ўртоғи гиёҳванд бўлган, шу сабабли у билан ажралишган. Турмуши бузилгандан кейин ўз уйига ҳам сифмаган. Ишлаш учун Россияга кетган аканинг хотини билан қишлоқмай, ўйдан чиқиб кетган. Ҳатто она ҳам ўз қизини ота уйида олиб қололмаган. Она, ака, келинлардан бошқиб бу оила хали 30 га ҳам тўлмаган, ҳаёт йўлида қоқилган Мастуранинг ўзини ўнглаб олишига ёрдам бериш ўрнига, унинг “кўча қизи”га айланишига имкон яратиб берган. Халқимизнинг минглаб йиллар давомида оила обрў-эътибори, одоб-ахлоқи, ҳаёси, нуфузи билан боғлиқ ўзига хос аъёнларни шаклланди. Айттайлик, оилада ота-она вафот этса, акалар, опалар сингиллар ва укаларнинг ғам-хўрларига айланадилар, уларни тарбиялаб вояга етказдилар, ҳаётда уларини ўнглаб олишларига ёрдам берадилар. Бугун эса баъзи оилаларда ана шу аъёнлар унутилмоқда. Акалар, опалар бойлик илнжида, нафс ҳаваси йўлида укалар, сингиллар ҳаётига эътиборсиз бўлиб қолмоқда. Уларни ўз ҳолича қолдириб, тақдир эпкиларига топширмоқдалар. Мастуранинг ҳаётида ҳам

ёки бу жиноят ишининг олдини олишда фаоллик кўрсатиши керак бўлган Янгиер шаҳридаги “Бинокор” маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддиларининг хатти-ҳаракатлари ҳам ҳар қандай одамни ўйга толдиради. “Бинокор” маҳалла фуқаролар йиғинида 2004 йилдан бери маслаҳатчи бўлиб ишлаб келаётган Зулайхо Авазова ушбу жиноят иши бўйича бўлиб ўтган судда шундай деб гувоҳлик беради: “Маҳалла фуқаролар йиғинининг хизмат вазифаси ҳудуддаги оилаларни соғломлаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, оилаларда тинчлик ўрнатиш, ноқонуний никоҳларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва яна бошқа кўплаб ишлардан иборат. Мен Дамир Темировлар оиласини яқиндан биламан. Ўқитувчи бўлиб ишлаганимда қизларини ўқитганман. Уларнинг оилавий ҳаёти, тақдирини хабардорман. 2017 йил апрель ойининг охирида Дамир Темиров хорижга ишлаш учун кетгач, унинг уйига қизи Дилноза билан суҳбатлашди, аҳолини билиш учун бордим. Ўшанда уларнинг уйда бир аёл, кейин маълум бўлишча, Мастура Кўчқорова кир ювиб ўтирган экан. Дилнозадан унинг кимлигини сўраганимда “биттаси” деб жавоб берди. Кейин Дилноза Мастурага болаларига қараб туришни буюрди. Шундан кейин Дилноза билан гаплашганимизда унинг болалари хонага кириб келди. Бундан жажли чиққан Дилноза Мастурани болаларга қарамасликда айблаб, ҳақорат қилди. Уларнинг уйдан чиқиб Масту-

Албатта, биз бу таҳлиллар, фикрлар орқали мазкур жиноятда ҳамма айбдор, демоқчи эмасмиз. Айбдор одил суд томонидан қонуний асосда аллақачон жазосини олган. Бу гаплардан мақсад кўнглимиздаги бир иштибоҳни айтмоқчимиз, холос. Агар Мастуранинг уйдагилар унинг кейинги тақдирига бепарво бўлмаганларида, Дамир Темиров уйланиш борасида қизлари билан тил топиши, улар ўғай она билан келишиб яшаганларида, маҳалла мутасаддилари, посбонлари ўз ишига лоқайдлик билан қарамай, бу оила ҳаётини тўғри изга солганларида, ноиб инсон тақдирига эътиборсизлик билан қараб, шаръий фатво бермаганда, эҳтимол, бу жиноят содир этилмаган, тўрт инсон ҳаётдан бевақт кўз юмган, ёш аёл суднинг қора курсисига ўтирмаган бўлармики?!

Мақолани ёзиш жараёнида одамлар қалбидан у ёки бу тарзда намоен бўлаётган лоқайдлик, эътиборсизлик, бепарволик каби иллатларга эътибор қаратганимизнинг ҳам сабаби бор. Эеро, бу иллатлар жамият ҳаётида турли салбий ҳолатларнинг юзага келишига омил бўлмоқда. Шу ўринда машхур адиб Чингиз Айтматовнинг бир фикри ниҳоятда эътирофга сазовор. Танқидчилар Чингиз Айтматовдан “Оқ кема” асарингизда Ўроққулни ҳаётдаги салбий хислатларни намоен этувчи кимса, Мўмин чолни ихобий ҳақрамон сифатида тасвирлагансиз. Асардаги Саидахмад, Гулжамол каби образлар нимага хизмат қилади?” деб сўрашади. Шунда Чингиз Айтматов “Бу образлар жамиятдаги ҳамма нарсага лоқайд, бепарво, эътиборсиз муносабатда яшайдиган кимсаларнинг тинчлиги. Бундай инсонлар яхшиликдан қувонмайдилар, ёмонликдан жирканмайдилар. Оқибатда лоқайдликни туфайли жамиятнинг таназзулига ҳисса қўшадилар”, дейди. Чингиз Айтматов тилга олган лоқайд кимсалар бугун ҳам орамизда борлигига шубҳа қилмас бўлади. Шу ҳақда ўйлаганда кўнглимдан яна бир ҳадик кечади. Кеча бир жиноятнинг рўй беришига, кўплаб одамларнинг жабрдийда бўлишига йўл очиб берган лоқайд, бепарво кимсалар эртага яна бир жиноятнинг юзага келишига, беғуно одамларнинг жиноят қурбонлигига айлинишларига имконият яратиб бермасмиканлар?! Бу бепарволик, лоқайдлик каби иллатдан қутिला олармиканми?! Лоқайдликнинг эстаги яшириндиган жиноятларга барҳам берамиканми?!

Сўзимиз бошида улуғ аллома Хусайн Воиз Кошифийнинг одоб-ахлоқ, инсон фазилатлари ҳақидаги фикрларини келтирган эдик. Ҳақиқатан ҳам, инсон “шаҳват галаба қилганда нафс жиловини тортиб, ҳиммат этагини ҳаром чиркиниятдан пок тутса, ношоиста амаллардан кўзин юмса”, ёмонликлар йўллари ёпилиб, яхшиликлар йўллари очилади. Ахир бизнинг асосий мақсадимиз ҳам, орзу-умидларимиз ҳам шундан иборат эмасми!

Таълим сифати

ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?

Андижонлик сафдошларимиз, партия депутатлари Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" лойиҳаси доирасида муайян ишларни амалга ошироқда. Партия депутатлик гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг "Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари" доимий комиссияси йиғилишида 2018 йилнинг декабрь ойида муҳокама этилган яна бир масала ишчи гуруҳимизнинг навбатдаги ўрганишлари натижалари асосида тайёрланди.



Айтиш жоизки, 2018 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида партиямизнинг мазкур лойиҳаси доирасида таълим муассасаларида олиб борилган ўрганишларда аниқланган бир қатор камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Бунда бир қатор бочалар ва умумтаълим мактабларида синф хоналаридаги ўқувчилар сони, умумий тиббий хизматнинг аҳоли, мажбурий дори-дармонлар мавжудлиги, тоза ичимлик суви билан таъминланиш ҳолати ишчи гуруҳи аъзоларининг диққат марказида бўлди. Ҳаётининг 534 та умумтаълим мактабининг деярли барчасида аҳоли қониқарилиги, деб айтиш мумкин.

турдаги мажбурий дори-дармонлар билан етарлича таъминланмаган. Бу каби камчиликлар ўз-ўзидан депутатлар ўз сайлов округи ҳудудларида жамоатчилик назоратини тубдан кучайтириши зарурлигини кўрсатади.

Андижон шаҳридаги 14 та, Андижон туманидаги 15 та, Балиқчи туманидаги 9 та, Избоскан туманидаги 14 та умумтаълим мактабида тиббиёт хоналарининг йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Бу ҳолат мазкур таълим муассасаларида ўқувчилар саломатлигига эътиборсизлик билан қараётгани, халқ таълими бўлиминлари ва тиббиёт бирлашмалари бу борада етарлича иш олиб бормаётгани кўрсатади.

Яна бир жиддий масала, айри мактабларда ўқувчилар учун энг зарур бўлган дори-дармонлар билан таъминланиш талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқдир. Айниқса, Бўзта, Андижон туманидаги 15 та, Балиқчи туманидаги 9 та, Избоскан туманидаги 14 та умумтаълим мактабида тиббиёт хоналарининг йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Бу ҳолат мазкур таълим муассасаларида ўқувчилар саломатлигига эътиборсизлик билан қараётгани, халқ таълими бўлиминлари ва тиббиёт бирлашмалари бу борада етарлича иш олиб бормаётгани кўрсатади.

хатдан ҳам эътиборга молик. Вилоятдаги мавжуд 741 та умумтаълим мактабининг ҳар бирида ҳақиқий ҳолат қандай эканини мутасаддилар билан биргаликда атрофлича ўрганишга келишиб олдик. Шу ўринда яна бир нарсани айтиш жоиз. Депутатлар ўз сайлов округи ҳудудидан мунтазам равишда назоратни амалга оширсин, камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имкони юзга келадди. Доимий комиссия йиғилишида айтиш шундай қарар қабул қилинди.

Депутатлар томонидан юқоридаги каби камчиликлар танқидий кўриб чиқилди. Таълим муассасаларидаги тиббиёт хоналарида етарли шарт-шароитлар яратиш борасида масъул раҳбарларга кўрсатмалар берилди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия фаоллари масъул раҳбарларга кўрсатмалар берилди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия фаоллари масъул раҳбарларга кўрсатмалар берилди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия фаоллари масъул раҳбарларга кўрсатмалар берилди.

Малоҳатхон МУСАЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Халқ депутатлари Зарбдор тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари фуқароларнинг тақдир ва муурожаатларини ўрганиб, одамларнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қатор ишлар қилмоқда.

Электорат манфаатлари йўлида

Ўтган 2018 йил давомида партия депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан масъул ташкилотларга юборилган жами 22 та депутатлик сўровининг 19 таси ижобий ҳал этилган бўлиб, қолган учта сўров юзасидан ўрганишлар олиб борилмоқда.

Фуқароларнинг ички йўллари таъмирлаш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, йўлларнинг носозлиги туфайли пайдо бўлаётган ноқулайлик ҳақида қилган муурожаатлари юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Депутатлик гуруҳи аъзоси Махфуза Исроилова туман йўл-қурилиш пудрат таъмирлаш корхонаси раҳбарига "Янги ҳаёт" МФЙ ҳудудидаги "Йўлдош Охунбобоев" кўчасида таъмирлаш ишларини ташкил этиш масаласида депутатлик сўрови киритди. Натижада мазкур кўчанинг 1200 метрлик қисми асфальтланди, 400 метрлик қисмига шағал ётқизилди.

Тиббиёт хонаси ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИДА ҲУДУДНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР БИР ҚАТОР МУҲИМ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. ХУСУСАН, ВИЛОЯТНИНГ 2019 ЙИЛИ МАҲАЛЛИЙ БЎДЖЕТИНИНГ БЕЛГИЛАНГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ БЎДЖЕТИНИНГ 2018 ЙИЛГИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан вилоятдаги секторлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Вилоят Кенгаши сессиясида аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури доирасида муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истагида бўлган кам таъминланган оилалар вакиллари, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар ажратиш ҳолати ҳамда қонун ҳужжатлари ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг қароланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидан масала юзасидан маъруза қилган халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги "Адолат" СДП гуруҳи раҳбари Олимхон Мақсудов Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари, партия депутатлари ва соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар 300 дан зиёд умумтаълим мактабларида ўрганишлар олиб боришнинг таъкидлади. Маълум бўлишича, уларнинг 44 тасида тиббиёт хонаси мавжуд эмас. Мактабларга бириктирилган ўрта тиббиёт ходимлари тиббий кўриклар ўтказиш чоғида мактабга келишади, холос. Бундай ҳолатда ўқувчилар ўртасида қутилмаганда содир бўладиган кўнгилсиз ҳолатлар (масалан: синиш, пай чўзилиши, ёрилиш, қон кетиш ва бошқалар) юз берганда бирламчи тиббий ёрдамни ким кўрсатади?

ларнинг соғлигига ҳам жиддий таъсир қилиши мумкин. Косонсой туманидаги 20-умумтаълим мактаби "Чиндовул" қишлоғида жойлашган. Ушбу мактабда 46 синф хонаси мавжуд, 1390 нафар ўқувчи таҳсил олади. Лекин 840 ўринли мазкур мактаб биноси авария ҳолатида. Баъзи синфларда 37-40 нафардан ўқувчилар ўқитилаётгани кишини ажаблантиради. Мактаб ичимлик суви билан таъминланмаган, тиббий ходим ва тиббиёт хонаси йўқ. Мактаб директорининг таъкидлашича, бу ҳусусда вилоят ва республика миқёсида мутасадди идораларга қилинган муурожаатлар ҳозиргача натижа бермаган.

— Депутатлик гуруҳларининг фаолияти тақомиллаштириб бораётганлиги ҳам эътиборга молик, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Исроиил Жўраев. — Сессияда Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан "Умумий ўрта таълим мактабларининг санитария-гигиена талабларига мослиги, умумий тиббий хизматнинг аҳоли, мажбурий дори-дармонлар, тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ўрганиш домида аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш" юзасидан киритилган масала қизгин муҳокама этилди. Депутатлар ушбу мавзуда фикр юритар экан, ёш авлоднинг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш биринчи навбатдаги вазифа эканини алоҳида қайд этишди.

Умумий меъёрларга мувофиқ умумтаълим мактаблари синф хонасида ўқувчиларнинг сони 35 нафар бўлиши ва ҳар бир ўқувчи учун ўқув хонаси майдони 2,5 м²дан кам бўлмаслиги белгиланган. Шунга қарамай, айрим ҳолларда бир синфда ўқувчилар сони 40-45 нафарни ташкил этмоқда. Бу эса нафақат таълим сифатига, балки бола-

ларнинг соғлигига ҳам жиддий таъсир қилиши мумкин. Косонсой туманидаги 20-умумтаълим мактаби "Чиндовул" қишлоғида жойлашган. Ушбу мактабда 46 синф хонаси мавжуд, 1390 нафар ўқувчи таҳсил олади. Лекин 840 ўринли мазкур мактаб биноси авария ҳолатида. Баъзи синфларда 37-40 нафардан ўқувчилар ўқитилаётгани кишини ажаблантиради. Мактаб ичимлик суви билан таъминланмаган, тиббий ходим ва тиббиёт хонаси йўқ. Мактаб директорининг таъкидлашича, бу ҳусусда вилоят ва республика миқёсида мутасадди идораларга қилинган муурожаатлар ҳозиргача натижа бермаган.

Депутат сайловчиларнинг ишончига муносиб бўлиши зарур. Бу эса халқнинг ишончли вакиллари билан доим ўзига талабчанлик, ҳар бир масалага жиддий ёндашув, фидойилик билан ишлашни тақозо қилади. Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ана шу муҳим жиҳатларни назарда тутган ҳолда фаолият юритишга интиломоқда.

Қуруқ ваъда узган қувур Тўрт йилдан сўнг уланди

Сўзимиз аввалида мисолларга муурожаат қилсак. Шаҳарнинг "Қияли сой" кўчасидаги хонадонларда яшовчи аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотида доир муурожаати ўз ижобий ечимини топди. Ўрганишлар давомида маълум бўлдики, бу жойда 2014 йилдан буён "Қувасойтаъмир" қурилиш ташкилоти таъмирлаш ишларини олиб бораётгани боис сув қувурлари тармоқдан узиб қўйилган. Тегишли дастур бўйича белгиланган ўзгаришлар учун маблағ ажратилгунга қадар ишлар тугалланмай қолиб, эътиборсизликка йўл қўйилган.

— "Қияли сой"да юздан ортқ хонадонда 216 та оила яшайди, — дейди маҳалла фаоли Фахриддин Солиев. — Ичимлик суви масаласида аҳоли қийинчиликлари дуч келишида биз — маҳалла фаолларининг ҳам бироз сусткашликка йўл қўйиб, айрим ташкилотлар раҳбарларининг қуруқ ваъдасига ишонганимиз сабаб бўлди. Оқибатда маҳалла аҳоли 3 километрга яқин масофадан сув ташиб, овозра бўлишди. Ниҳоят, қишлоқ аҳолининг муурожаати партия депутатлари жавобгарлик ҳисси билан қараб, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари эътиборини мазкур муаммага қаратишди. Шаҳар ҳокимлиги, шаҳар "Сув-оқава" давлат-унитар корхонасига киритилган депутатлик сўрови мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширди. Ҳозирда ичимлик суви қувури тармоққа уланиб, муаммо ҳал бўлганидан барчамиз мамнунимиз. Ахир сув — бу ҳаёт, деб беҳиз айтишмайди.

"Сарбоз" маҳалласида яшовчи фуқаро Зафар Турсуннинг муурожаати кўра, у бир неча йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб, аҳолига хизмат кўрсатган. Бундан етти йил аввал шаҳарда ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани боис шаҳар ҳокимлиги топшириғи билан унинг туғилган жойи ёнида барпо этилган аҳоли умумий оқватлиниш шохобчаси бузилди. Аммо фуқаро З.Турсунга етказилган зарар қопланмай, у ҳам хонадонидан, ҳам рўзгорини тебратиб турган ишдан айрилди. Мазкур масалада бир неча бор суд ишлари кўрилиб, ижро этилмаган суд қарорлари фуқаро қўлида катта хатжидга айланди.

3.Турсуннинг муурожаати асосида ушбу муаммони атрофлича ўрганиш депутатлик сўрови киритди ва фуқаро З.Турсунга етказилган моддий зарар — 223 000 000 сўм маблағ ундириб берилди.

Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши депутати Авазбек Ўрмонов "Авғонбоб", "Чорчинор" маҳаллаларида ўтказган депутатлик қабуллари натижасида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар бартараф этилмоқда. Масалан, имкониёти чекланган фуқаролардан Отамурод Марупов, Озодбек Ҳайитовга махсус аравачалар берилди, 8 нафар фуқарога эшитиш мосламалари етказилди.



Ўтган йили маҳаллаларда ташкил этилган сайёр қабуллар чоғида келиб тушган муурожаатларга мувофиқ ижтимоий химояга муҳтож, кам таъминланган 42 нафар беморга даволаниш учун бепул дори-дармон, имтиёзли тиббий йўлланмалар билан таъминлаш орқали амалий ёрдам кўрсатилди.

Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши депутати Дилфуза Дехқонова "Янги обод", "Бўстон", "Ширин" маҳаллаларида ўз сайловчилари билан учрашиб, мавжуд муаммоларни ўрганди. Депутат ташаббуси билан хомийлар кўмағида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилди, бир қатор эҳтиёжманд оилаларнинг уйлари таъмирланди. Муурожаатлар асосида мутасаддилар билан ҳамкорликда "Янгиобод", "Бўстон", "Ширин" маҳаллаларида болалар майдончалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, маҳалла фаоллари билан биргаликда "Янгиобод", "Бўстон" маҳаллаларидаги ички йўллarning 13 километрик қисми асфальтланди. Шунингдек, шаҳардаги "Чархий", "Жомеъ" кўчаларида жойлашган кўп қаватли уйлар олдидан фуқаролар томонидан қурилган ноқонуний қурилмалар олиб ташланиб, аҳоли учун қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Туманда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар юзасидан ишлаб чиқилган тақлифлари маҳаллий Кенгаш сессияси ва тегишли доимий комиссиялар йиғилишига киритишда ҳам депутатлар фаолият кўрсатмоқда.

Жумладан, ўтган йил давомида партиямизнинг "Мактабга таълим — кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўлини", "Саломатлик йўлида бирлашайлик", "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", "Таълим сифати — партия нигоҳида" ва бошқа бир қатор лойиҳалари доирасидаги ўрганишлар натижасида партия депутатлик гуруҳи ташаббуси билан доимий комиссиялар мажлисларида 7 та, сессияда 5 та масала кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Достон ЗОКИРОВ, Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

Фарҳодбек АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоли

Нурбек МИРЗАЕВ, Фаргона вилоят кенгаши матбуот котиби

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Норин туманидаги «Шўрариқ» маҳалласида нодавлат мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. Янги боғчани шу маҳаллада яшовчи тажрибали педагог, мактабгача таълим фахрийси, фаол партиядошимиз Муқаддасхон Асиева ташкил этди. Фаол сафдошимиз М.Асиеваннинг бундай эзгу ташаббуси отоналар, кичкинтойларни беҳад қувонтирди.



САФДОШИМИЗ ЯНГИ БОҒЧА ТАШКИЛ ЭТДИ

«Шўрариқ» маҳалласи Норин — Ҳаққулбод автомобиль йўли бўйида жойлашган, боғчанинг деворлари янгигина бўлган биноси автомобиль йўлига туташ кўча бўйида қад ростлагани учун узоқдан кўзга ташланиб турибди.

Биз янги боғчанинг шинам хоналари билан танишиб чиқдик. Ташқарида бироз совуқ бўлишига қарамай, хоналарда ҳарорат мўътадил. Жихозлар ва ашёларнинг барчаси янги, кичкинтойларнинг кайфияти яхшилиги юз-кўзларидан билиниб турибди.

— Йигирма йилдан зиёд боғча мудури бўлиб ишлаганман, — дейди Муқаддасхон Асиева. — Мактабгача таълим соҳасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилаётган янгилликлардан хурсандимиз. Чиндан ҳам мамлакатни ҳар томон-

лама ривожлантириш масаласи кун тартибига қўйилган экан, бу вазифа ижроси етук кадрларга боғлиқ. Уларни тайёрлашни эса айнан мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш керак. Шу боис эзгу ишга ҳисса қўшишни ният қилдим.

Оила аъзоларига шу тўғрида маслаҳат солганида, улар ҳам қўллаб-қувватлашди. Айниқса, ўртанча ўғли Ойбек ташкилий масалаларни зиммасига олганидан хурсанд бўлди. Чунки у олий маълумотли иқтисодчи, тумандаги ташкилотлардан бирида бош ҳисобчи бўлиб иш-

лайди. Маҳалла марказида бўш ётган, аммо қаровсизликдан абгор ҳолатга келган собиқ қишлоқ фуқаролар йиғини биноси «ноль» қийматда ташаббускор аёлга берилди.

Қишлоқда хусусий мактабгача таълим муассасаси очмоқчи бўлган тadbиркорга бинони мукамал таъмирлаш учун 609 миллион сўм зарур бўлиши аниқланди. Бу бўйича «Капиталбанк»нинг Наманган бўлимига мурожаат қилишди. Юқоридаги маблағнинг тўртдан уч қисми импёвизи кредит сифатида берилди. Унга ўзларининг жамғармаларидан қўшиб, малакали қурувчи усталар-

ни ишга чорлашди.

Икки ой фидойиларча меҳнат қилинганлиги ўз самарасини берди. Ана шу муддат ичида бинонинг ташки ва ички қиёфаси буткул ўзгарди. Мухандислик тизимларидан тортиб, ёритиш ва иситиш учун шарт-шароитлар ҳам янгиланди. Атрофдаги ҳудуд ҳам ободонлаштирилди. Нодавлат мактабгача таълим муассасасига «Жажжи зукколар» номи берилди.

Янги МТМ 75 ўринга эга бўлиб, таълим жараёнида болаларга инглиз ва рус тиллари ўргатилади. Кейинчалик корейсчани ўрганиши имконияти ҳам

пайдо бўлади. Шунингдек, тарбияланувчилар гимнастика ва рақс сирларини ўзлаштиридилар. Лойиҳа ижроси натижасида 16 та иш ўрни яратилди. Уларга маҳалладаги тегишли мутахассисларга эга хотин-қизлар жалб этилди. Психолог Мадина Шамсиддинова, тарбиячи Одина Жуманова, инглиз тили муаллими Маҳбуба Эргашева, рус тили ўқитувчиси Гулшоода Раҳимжонова шулар жумласидандир.

Янги боғча иш бошлаши билан шарт-шароитлар билан танишган, ота-оналар фарзандларини етаклаб келишди. Айни пайтда 75 нафар жажжи болалар билан мактабгача таълим тарбия олиб вояга етмоқда.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят кенгаши
матбуот котиби

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан «Метровагонмаш» АЖ (Россия) билан ўтказилган тўғридан-тўғри музокаралар натижасида тўрт вагонли таркибдаги иккита моторли бош вагон, битта оралиқ моторли ва битта оралиқ моторсиз вагондан иборат бешта состав харид қилиш тўғрисидаги Меморандум ахдлашувига эришилди.

Ер устки метроси учун



Россия поездлари сотиб олинади

Битимни молиялаштириш манбалари, шунингдек, Россия вагонлари ва ускуналарини транспортда таъшиш шартлари regulation.gov.uz. меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини муҳокама қилиш порталида кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Тошкент метрополитенининг ер устки линияси учун харакатдаги состав вагонларини харид қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасида баён қилинган.

Лойиҳага мувофиқ, лойиҳани инвестициялаш даврида молиявий харажатлар тўловига йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Реконструкция ва ривожлантириш жамғармаси кредити, шунингдек, Россия Федерациясининг Тараққиёт ва таълим иқтисодий фойлаят банки кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

Унда жалб этилаётган кредитларни қайтариш, фойзаларни тўлаш, комиссия ва улар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ буюртмалари асосида мазкур лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштирилиши таъминлайди.

ПОМИДОР КУЯСИНИНГ КУШАНДАСИ БОР

«БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Нафақат фермер хўжаликлари майдонларида, балки мўъжазгина томорқада сабзавот экинлари етиштириб, рўзгор эҳтиёжини қондириш, оилага даромад келтиришга нима етсин?! Табиийки, экинларни парваришланиши ҳам ўз йўриги бор. Чунки уларга турли касалликлар, ҳашоратлар зарар келтириши мумкин. Жумладан, помидор куяси (Tuta absoluta Meyr) ана шундай зараркунадалардан бири саналади.

2015 йилда Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятларининг айрим иссиқхоналарида парваришланаётган сабзавот экинлари помидор куяси — Tuta absoluta Meyr билан зарарланаётгани илк бор кузатиладиган эди. 2016 йилда эса республикамизнинг барча ҳудудларида помидор куяси учрай бошлади.

Фанда маълумки, помидор куяси олигофаг ҳисобланиб, итузумдошлар оиласига мансуб бўлган помидор (*Lycopersicon esculentum*), картошка (*Solanum tuberosum*), баклажон (*S. Melongena*), итузум (*S. nigrum*), ёввойи помидор (*Lycopersicon hirsutum*) ва тамаки (*Nicotiana glauca*) экинларига зарар келтиради.

Кайд этиш жоизки, помидор куяси ўсимликка кўчат даврида тушса, зарарланган ўсимлик гуллаш даврига етмасдан нобуд бўлади. Мева тугиш пайтидан бошлаб зарарланган ўсимликнинг ҳосилдорлиги 60 фоизгача йўқотилади, кучли зарарланган майдонлардаги экинлар эса бутунлай қуриб қолиши ҳолатлари кузатилади. Помидор куясига қарши қандай чоралар қўлланилади, қуйида шу ҳақда маълумот келтириб ўтаемиз.

Авалло, агротехник тадбирларга жиддий эътибор бериш лозим. Хусусан, помидор уруғини экишдан олдин унга кимёвий препаратлар билан белгиланган тартибда ишлов берилади.

Иккинчидан, қуйидаги кимёвий препаратлардан фойдаланиш мумкин: Капито КС 9,3% к.э. гектарига 0,45 л, Такуми 2% с.э.г. 0,3 л, Эмаметтин бензоат +абамектин 15% с.э.г. 0,12-0,15 л, Амплиго 150 м.к.с. 0,4 л, Корал, 10% эм.к 0,2-0,4 л, Агроплан 20% С.П. 0,4 кг, Бензоат Супер 10% в.д.г. 0,15-0,25 кг, Эмафос 42% к.э. 0,5-0,8 л, Удар 30% с.э.г. 0,5 кг/га., Бэлмак 5% с.э.г. 0,4 кг/га микдориди қўлланилса, юқори самарага эришилади.

Б.ХУЖАМУРАДОВ,
«Тошкент Аэро» ўсимликлар карантини чегара маскани мудури

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши Хоразм вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Тоҳир Полвоновга онаси

Назира БОБОЖОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ўЗА) олган сурат

Осон ошнинг озори

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Холиқ Болиев (исм-шарифлар ўзгартирилган — тахририят) ва Мансур Фарҳодов ишласдан пул тоғиш йўллари излашди. Ниҳоят тоғишди ҳам. Лекин осон тоғилган ошнинг озори бор эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтиришмади. Улар Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган «Чилонзор буюм бозори» АЖ автотураргоҳида валюта олди-сотдиси билан шуғулланишга келишиб олишди...



Элнора бозорга тез-тез тушиб турарди. Ҳар гал бозор ҳудудида ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шуғулланаётганларга кўзи тушарди. Бу гал у жиноят содир этилаётганини кўра-била туриб, лоқайд ўтиб кетолмади. Кўзи олма-кесақ тераётган йигитлардан бирининг ёнига бориб, доллар кераклигини айтди.

Ўзини Холиқ деб таништирган йигит унга қўл телефони рақамини берди.

Элнора бозордан чиққан валютафутушларнинг ноқонуний ишларига чек қўйиш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖК департаментининг Яққасарой туман бўлимига ариза билан мурожаат қилди.

Эртаси куни у Холиққа кўнгирик қилиб, ўзига 9200 АҚШ доллари кераклигини айтди. Бу таклиф Холиққа ёғдек ёқиб тушди ва Элнора билан учрашув белгиланди.

Шундан сўнг Холиқ таниши Мансурдан 9200 АҚШ долларини олиб, келишилган жойда Элнора билан учрашди. Элнора унга «Матиз» машинасининг орқа ўриндиғидаги целлофан пакетда бўлган сўмни берди. Холиқ эринмасдан пуллари санай бошлади. Бу орада уларнинг ёнига Мансур ҳам етиб келди.

Пулни санаб бўлган, Холиқ айтилган долларларни Элнорага берди. Ана шу вақтда Мансур ва Холиқни департамент ходимлари жиноят устида қўлга олишди...

Суд Холиқ Болиев ва Мансур Фарҳодовларга тегишли жазо тайинлади.

Шавқиддин ЖУМАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖК департаментининг Яққасарой туман бўлими бошлиғи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта тантана қилинди. Байрам муносабати билан ўтказилган ҳарбий ватанпарварлик фестиваллари ҳамда турли кўргазмалар намойишлар, айниқса, бугунги ёш авлод — эртанги Ватан ҳимоячилари қалбида чуқур из қолдирди.

Сиз суратда кўриб турган болакай — Поп туманидаги 17-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси, бўлажак Ватан посбони Абдулборий Усмоналиев ҳам катта ёшдаги сафдошларига ҳавас қилиб, байрам тадбирларида фаол иштирок этди. У осийишталик посбони — ИИБ ходимига ҳарбийларча мурожаат қилмоқда.

QQB QISHLOQQURILISHBANK

«QQB-mobile» иловаси билан барча тўловлар осон!

☎ (+99878) 150-93-39

www.qqb.uz

Reklama Xizmatlar litsenziyalangan

МУАССИС:

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: **Ислом ҲАМРОЕВ**

Тахрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДААХОДЖАЕВА
Қодир ЖУРАЕВ

Тошпўлат **МАТИБАЕВ**
Галъат **МУРОДОВ**
Абдукамол **РАҲМОНОВ**
Собир **ТУРСУНОВ**
Алишер **ШОҚМОНОВ**
Шухрат **ЯКУБОВ**

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма тоб. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 100.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Табриқнинг мавзиси: 100043.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк» тиниш кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz adolatgz-95@mail.ru

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилади.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Адаб — 3424
Босишга тошпириш вақти — 2.15
Босишга тошпириши — 3.55
Баҳоси келишилган нарҳа

Тахририятга келган қўмақлар тахрир қилинмай ва муаллифга қайтарибмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобдор эмас.
Газетанинг отқазиб берилиши учун убуни расмийлаштирган ташкилот жавобдор

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2093-5237
1 2 3 4 5